Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

1991 йил
25 ЯНВАРЬ
ЖУМА
№ 18
ҲИЖРИЙ:
ҚАМАРИЙ 1411 ЙИЛ
РАЖАБ, 10-КУН
ШАМСИЙ
1369 ЙИЛ
ДАЛВ 7-КУН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январда таваллуд топган

НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЙИН, СОТУВДА 10 ТИЙИН

Шўролар ҳаётидан

ВАКОЛАТ ВА КАФОЛАТ

Сирдарё вилояти Комсомол район кенгаши ижроия қўмитаси раиси Маматқул ИСАЕВ билан мулоқот

— Маматқул Омонлиқович, таъбир жоиз бўлса, бир неча йил «якка ҳоким», яъни бевосита партия қўмитаси йўқ районларда ишладингиз. Шу маънода ижроия идоралари мустақил шароитда нималарга қодир эканликларини яхши биласиз. Кейинги пайтларда тез-тез тилга олинаётган ижро бошқарув нуфузини ошириш лозим, деган гапларга муносабатингиз қандай?

— Аввало ижро сўзининг маъзини чақиб кўрайлик. Мўлжал, ният, режа кўнгилдагидек бўлиши мумкин. Аммо у ижро этилсагина, яъни амалда бирор натижага эришилсагина мақсад рўёбга чиқади. Акс ҳолда ҳаётий заруратдан келиб чиқилган муҳим қонунлар ҳам, қарорлар ҳам, фармонлар ҳам қоғозда қолиб кетаверади. Бу борада тарихимиздан исталганча мисол келтириш мумкин. Узоққа бориб ўтирмайлик: қайта қуриш даврида қабул қилинаётган ва ҳеч қандай амалий натижа бермаётган кўплаб ҳужжатлари санаб ўтишнинг ўзи кифоя.

Мамлакат аҳамиятига молик қонунларни қабул қилиш учун Иттифоқ парламентининг кўп сонли аъзолари баъзан ойлаб баҳслашадилар. Ниҳоят бир тўхтамга келишилганида бутун мамлакат эркин тин олади. Эртанги кунга қандайдир умид учқунлари пайдо бўлади. Афсуски, кўп ўтмай қанча вақт, маблағ, эҳтиросслар, асаблар беҳуда сарфланганининг гувоҳи бўламиз...

— Холисона айтсак, Олий Кенгаш қабул қилаётган қонунлар сув билан ҳаводек зарур. Баҳс-мунозараларнинг авжига чиқиши бонси ҳам ана шунда. Лекин уни амалга оширишга келганда...

— Тўғри. Қонуилар бекорга қабул қилинмайди. Яқинда ойнаи жаҳонда 1990 йилда АҚШ парламенти 1.100 та қонун қабул қилганлиги тўғрисида гап борди. Бу уларнинг ўртача кўрсаткичи экан. Жамият қонунларсиз яшай олмайди. Аммо суҳбатимиз бевосита улар ижроси хусусида экаилиги туфайли мақсаддан узоқлашмайлик. Халқимизда етти ўлчаб, бир кес, деган ажойиб ҳикмат бор. Иттифоқ миқёсида қабул этилаётган баъзи қонунларда минтақалар имконияти тегишлича ҳисобга олинмаётир. Мамлакатимизнинг беполёнлиги бир томондан куч-қудратимиз бўлса, иккинчи томондан фожиамизга айланиб бораяпти. Менимча, ҳеч иккиланмай жумҳурият қонун чиқарувчи органлари ҳуқуқини ошириш лозим. Иттифоқ миқёсидаги қонуну, қарору, фармонлар эса жойлардаги тегишли ҳужжатлардан келиб чиқиб қабул этилса мақсадга мувофиқ бўларди. Айтайлик, жумҳуриятимиз раҳбарияти ташаббуси билан одамларга уй-жой қуриш ҳамда томорқа учун ер берилиши жуда катта воқеа бўлди. Районимизда муҳим қарорнинг амалга оширилиши туфайли 3.005 оила янги уй қуриш учун ер ёки қўшимча томорқага эга бўлди. Бунга 680 гектар жой ажратилди. Ердам сифатида 2 миллион 45 минг сўм узоқ муддатли қарз берилди. Муҳими шундаки, экин майдони камайгани билан маҳсулот етиштириш ҳажми ортди.

— СССР Президентининг ер ислоҳотини амалга ошириш юзасидан биринчи галдаги вазифалар тўғрисидаги фармони бўйича районда қандай ишлар қилинаяпти?

— Ушбу фармоннинг баъзи бандлари юқорида айтиб ўтилган қарор асосида амалга оширилиб бўлинган. Бу масалада Ўзбекистон бошқа жумҳуриятлардан анча илгарилаб кетди ва катта тажриба орттирди. Агар марказда чиқариладиган ҳар бир қонун, қарор, фармон қуйида синовдан ўтказилиб қабул этилса, унинг ижроси ҳам кўнгилдагидек бўлади. Биз ижроқўм мажлисида фармонни атрофлича муҳокама этиб, тегишли тадбирлар белгиладик. Асосий бойлигимиз — ердан оқилона фойдаланишнинг йўл-йўриқларини яна бир карра ҳисоб-китоб қилдик. Очиғини айтганда, бу борада ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз керак. Фермерлик ҳаракатини кенг қўллаб-қувватлаяпмиз. Маҳаллий имкониятдан фойдаланиб, уч жойда ғишт заводи қурмоқчимиз. Ота-боболаримиз оқилона фойдаланиб келган, аммо кейинги йилларда деярли унутилган қурилишоп дарахт — терак экишга астойдил киришдик. Шубҳасиз, яқин йиллар ичида бу ишлар ўз самарасини беради.

— Ҳокимият асосан Советлар қўлига ўтган бўлишига қарамай бюрократик тузум қолдиқлари ҳали ўз ҳукмини ўтказиб турибди.

— Бугунги кунда қайта қуриш ҳақида турли қарамақарши фикрлар пайдо бўлаяпти. Ўтган олти йилда нимага эришдик? Нимадан маҳрум бўлдик? Демократия, ошкоралик, фикрлар хилмахиллиги турмушга шитоб билан кириб келди. Тарихнинг кўплаб қоронғу саҳифалари ошкор бўлаяпти. Мустақиллик, миллат тушунчалари бутунлай ўзгарди. Демак, олти йил беҳуда ўтмабди. Биз тараққиётимизга гов бўлиб турган жуда катта тўсиқни олиб ташладик. Мен қайта қуриш эмас, аллақандай бақириқ-чақириқлар даври бўлди, деяётганларга сира қўшилмайман. Сиз билан биз табиий тарихий жараённи бошдан кечираяпмиз. Етмиш йилдан зиёд вақт мобайнида йиғилиб қолган муаммоларни бирданига ҳал этиш кошки осон бўлса! Жуда катта қийинчиликлар бор эди, бундан кейин ҳам бўлади. Гап уларни қай тариқа енгишда. Бунинг учун жойлардаги маҳаллий кадрлар, айниқса халққа яқинроқ ҳисобланган район даражасидаги раҳбарлар ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Олдин таъкидлаганимдек, район миқёсидаги биринчи фаолиятимни Ховосда агросанот бирлашмаси раиси сифатида бошлаганман. 1987 йил баҳорида эса Меҳнатобод район Совети ижроия қўмитаси раислигига сайландим. Коммунистлар сони озлиги туфайли бу ерда партия қўмитаси ташкил этилмаганди. Шунинг учун ҳам асосан мустақил ишладим. Айтиш мумкинки, ҳар қанча қийин бўлмасин, бу давр мен учун катта мактаб вазифасини ўтади. 1988 йили Сирдарё, Жиззах вилоятларининг бирлаштирилиш натижасида Меҳнатобод ва Комсомол районлари қўшилиб, Янгиер районга ташкил этилди. Мени яна ижроқўм раислигига лозим топишди. Кўриниб турибдики, уч йил мобайнида менга партия қўмитаси «зуғум» ўтказгани йўқ.

— Аммо режалар партия қўмитаси бор районлардан яхшироқ адо этиларди...

— Инсон табиатан доим мустақилликни орзу қилиб келган. Албатта, партия қўмитаси бўлмаса ҳам дастлаб Ховос, кейин Янгиер шаҳар фирқа қўмиталари назорати остида ишладик. Фирқа раҳбарларидан омадим чопган экан. Ховос район фирқа қўмитасининг биринчи котиби Ғойиб Шарипов ҳам, Янгиер шаҳарқўми саркотиби Ғулом Ҳасанов ҳам менга устозлик қилдилар. Улардан ҳақ иш учун бирор марта бўлсин дакки эшитганим йўқ.

Биз мустақилликни имтиёз деб тушунмаслигимиз керак. Бу биринчи навбатда масъулиятдир. Зиммадаги ваколат раҳбарни ҳушёр торттиради, етти ўлчаб бир кесишга одатлантиради. Яширишнинг ҳожати йўқ; раҳбарлик бўлинган жойда масъулият ҳам, жавобгарлик ҳам тўла бўлмайди. Райком ижроқўмга, ижроқўм райкомга ишониб, кўплаб хатолорга йўл қўйилди. Аввалари район партия қўмитасининг айтгани айтган, дегани деган эди. Биринчи котибнинг фармойишини бажараман деб майиб бўлган кўплаб ижроқўм раисларини биламан. Ҳокимият қоғозда ижроқўм қўлида бўлгани билан, томорқа тарқатишдан тортиб енгил автомашина ва бошқа қимматбаҳо буюмлар шахсан «биринчи»нинг айтгани бўйича амалга ошириларди. Аммо жавоб беришга келганда муҳр босиб, имзо чеккан балогардон.

— Масалага бу томондан қарайдиган бўлсак, ҳозир ҳам жиддий ўзгариш йўқ: деярли барча райкомларнинг саркотиблари Совет раиси сифатида иш олиб боришяпти. Агар илгари «бюро» билан дағдаға қилинган бўлса, эндиликда шўро раёсати муҳокамасида ҳисоб беришингизга тўғри келади.

— Четдан қараганда шундай. Аслида бошқа районларни билмадим-у, бизда ҳар ким ўз вазифасини бажаради. Маслаҳатли тўй тарқамас деганларидек, муҳим ишларни биргаликда ҳал этаяпмиз. Бундан ташқари партия ташкилотлари ишида жиддий ўзгаришлар юз берди. Эндиликда райком бевосита раҳбар сифатида эмас, шунчаки маслаҳатчи сифатида Советларга яқиндан кўмак бераяпти.

— Илгариги даврлардаги сиғлари кўплаб юмушларга партия ходимлари эмас, балки эл сайлаб қўйган депутатлар ва шўро ходимлари бош-қош бўлишмоқда.

— Бунинг ажабланадиган жойи йўқ. Ҳокимиятни унинг эгаси бошқармоғи лозим. Ҳар ким қонунда белгиланган ваколати доирасида ҳаракат қилгандагина ижро учун кафолат бериш мумкин. Бажаролмадингми, демак, жавобини бер. Аввалгидек юқоридан туриб, ижро этиш фалончига юклатилсин, деган кўрсатма энди ўтмайди. Шу боис партия ташкилотлари учун хўжалик вазифалари билан эмас, бевосита оммавий-сиёсий ишлар билан шуғулланиш имконияти туғилди. Буни фақат ижобий ҳол деб баҳолаш мумкин.

Ўйлайманки, деҳқон чигит экса, дон етиштирса, чорвадор чўмичларни мойга тўлдирса, қурувчи иморат тикласа ҳаммаси жой-жойига тушиб кетади. Ижроқўм эса буларнинг бари ўз ўрида бўлиши учун жавоб бериши зарур.

Суҳбатдош:
Темур АБДУРАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи»нинг Сирдарё вилояти бўйича ўз мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРИАЛИСТЛАРИНИНГ VIII СЪЕЗДИГА

Ҳурматли ўртоқлар!

Ўзбекистон журналистларининг VIII съезди делегатларини, сизлар орқали матбуот, радио ва телевидениенинг барча ижодий ходимларини улкан анжуманингиз иши бошланиши билан табриклайман.

Жамиятимизни янгилашда, ошкоралик ва демократияни мустаҳкамлашда журналистларга эътибор кучаймоқда. Айни вақтда эл-юрт сизга катта умид билан қарамоқда. Олий мақсадларни амалга оширишда, тинчлик-тотувликни барқарорлаштиришда, адолатни ҳимоя қилишда ва унга эришишда сизнинг зиммангизда ғоят масъулиятли вазифалар турибди.

Шунингдек, биз журналистларга ғамхўрликни кучайтириш зарур, деб биламиз.

Республикамиз жамоатчилиги сизларни, азиз дўстлар, ҳаётимизда рўй бераётган воқеалар жараёнига теранроқ назар ташлашга, қайта қуриш мухолифларига нисбатан муросасиз бўлишга, янгилик куртаклари ва ижодий ҳодисаларга сезгирроқ қарашга, совет матбуотининг илғор анъаналарини изчил давом эттиришга чорлайди.

Серташвиш ва фидойи меҳнатингизда сизга катта муваффақиятлар тилайман.

Узбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

«Меъморчиликда мунаққаш битиклар, кошину гулларга зарҳал берувчи устани «мусаҳҳиб» деб аташади. Журналистика соҳасида эса мусаҳҳиҳ деган касб борки, унинг соҳиби ҳар бир сўзга сайқал беради, яъни каломнинг равон ўқилишини таъминлайди. Мен бундан 12 йил муқаддам меҳнат фаолиятимни «Ленин учқуни» рўзномасида мусаҳҳиҳликдан бошлаганман», — дейди Дилдора Тўраҳметова. Дарҳақиқат, у мазкур даргоҳда униб ўсди, Суҳроб Йўлдошев, Жаббор Раззоқов, Абдусаид Кўчимов, Иқром Ўтбосаров каби қаламкашларнинг сабоғини олди: аввал корректор, мухбир, катта мухбир бўлиб ишлади. Ҳозир мактаб ва пионер ишлари бўлимини бошқармоқда. СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Еркин БОТИР олган сурат.

Ижодий уюшма имтиҳон топширади

Узбекистон Журналистлар уюшмаси VIII съезди делегатларига маълум қилинади: аижуман 1991 йил 25 январь соат 10 да Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг маданият уйида (Тошкент, Ленинград кўчаси, 32) ўз ишини бошлайди.

Ушбу қурултой уюшмамиз тақдирини ҳал этади — бундан буён у қанақа бўлиши, журналистлар меҳрини қай йўл билан қозониши, уларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этиш салоҳияти, турмушини яхшилаш қобилияти — кун тартибида бунақа масалалар жуда кўп.

Ҳамма гап, азизлар, сизларнинг съезддаги фаоллигингизга, унинг ишида бевосита манфаатдорлик ила қатнашувингизга боғлиқ.

Руҳ бардам, кайфият жанговар, қалам ўткир, тил бурро, ният пок, мақсад муштарак бўлса бас.

Қани, ериг шимарниб ишга киришайлик!

СССР ДАВЛАТ БАНКИДА

СССР ДАВЛАТ БАНКИНИНГ 1991 ЙИЛ НУСХАСИДАГИ ҚИЙМАТИ 50 ВА 100 СЎМЛИК БЎЛГАН ПУЛЛАРИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

1991 йил 23 январда СССР Давлат банкининг 1991 йил нусхасидаги қиймати 50 ва 100 сўмлик бўлган пуллари муомалага чиқарилади.

СССР Давлат банкининг қиймати 100 ва 50 сўмлик пуллари қоғозга зарб этилган бўлиб, бир томонида юлдузчалар тасвири туширилган оқ жойида В. И. Ленин портрети (барельефи) тасвирланган, иккинчи томонида эса тор оқ жойи бор.

100, 50 сўмлик пулларнинг ўнг томонида: «СССР Давлат банкининг билети». «Банк билетлари олтин, қимматбаҳо металлар ва давлат банкининг бошқа мулки билан таъминланади» деган ёзувлар бор. Пулнинг юқори ва қуйи қисмида кўп рангли ҳошия бор.

Орқа томонида пул қиймати иттифоқдош республикалар тилларида ёзилган бўлиб, «СССР Давлат банки билетларини сохталаштириш қонун билан таъқиб этилади» деган сўзлар ва пулнинг серияси ҳарфлар билан белгиланган етти рақамли иккита бир хил тартиб рақами берилган.

СССР Давлат банкининг 100 сўмлик пулида қўнғир — кўк ранг кўпроқ, пулнинг олд томонининг чапида — В. И. Ленининг қўнғир рангда ишланган портрети (барельефи), унинг остида нақшли расм, марказий қисмида нақш билан безатилган кўк рангдаги СССР давлат герби, «100» рақами ва «100 сўм» деган ёзув, ўнг томонда пастда қўнғир тусдаги безак орасида «100» рақами, пулнинг ўнг томонида оқ жойининг қуйи қисмида пушти рангда «1991» ва кўк тусдаги безак орасида «100» рақами жойлаштирилган.

Орқа томонида: Москва Кремлининг қўнғир тусдаги кўриниши, юқоридан чап томонда ва ўнг томонда кўк тусдаги кичик безак орасида «100» рақами ва кўк тусдаги «СССР» ҳарфлари, ўртасида эса кўк тусдаги катта безак орасида «100» рақами, қўнғир тусда «100 сўм» ёзуви ва унинг остида зангори тусда «100» рақами, чап томонининг қуйи қисмида кенг оқ жойида кўп рангли безак орасида «100» рақами бор.

СССР Давлат банкининг 50 сўмлик пулида қўнғир-яшил ранг кўпроқ. Пулнинг олд томонида: чап қисмида — В. И. Ленининг қўнғир тусдаги портрети (барельефи), марказида қизил-қўнғир тусда нақш билан безатилган СССР давлат герби, «50» рақами ва «эллик сўм» ёзуви, пастида иккита «50» рақами. Пулнинг ўнг томонидаги қуйи қисмида кенг оқ жойда яшил рангда «1991» рақами қамда қизил-қўнғир тусдаги безак орасида «50» рақами жойлашган.

Орқа томонида: нақшли график тасвир билан безатилган думалоқ доирада Москва Кремлининг кўриниши, доира устида «СССР» ҳарфлари, пастида — «50» рақами тасвирланган, доира остида «эллик сўм», пулнинг чап томонидаги оқ жойининг қуйи қисмида кўп рангли безак орасида «50» рақами бор.

Мазкур пуллар ҳозирги вақтда муомалада бўлган пуллар билан бир қаторда давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалар, ташкилотлар, колхозлар ва айрим шахслар томонидан тўловнинг барча турларида кўрсатилган қийматида қабул қилиниши шарт, шунингдек банк муассасалари ва Алоқа вазирлиги корхоналари томонидан жорий ва ҳисоб-китоб варақаларига, омонатларга, аккредитивларга ва жўнатиш учун ҳеч қандай чеклашларсиз қабул қилиниши шарт.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

МОСКВА ШАҲРИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Иттифоқ шартномасини ва РСФСРнинг Федератив шартномасини ишлаб чиқиш, Москва шаҳрининг ССР Иттифоқи ва Россия Федерацияси пойтахти сифатидаги мақеини ҳуқуқий расмийлаштириш шаҳарнинг ҳаёт таъминоти ва фаолиятини нормаллаштириш зарурлиги муносабати билан қарор қиламан:

1. СССР Президенти комиссияси тайёрлаган материалларни, халқ депутатлари Москва шаҳар Шўросининг, меҳнат жамоалари ва айрим фуқароларнинг СССР ва РСФСР пойтахти бўлмиш Москва шаҳрини бошқаришни такомиллаштириш масалаларига оид таклифларини кўриб чиқиш учун СССР Олий Кенгаши билан РСФСР Олий Кенгашининг вакилларидан иборат СССР Олий Кенгаши комитетининг раиси ўртоқ Н. Д. Пивоваров бошчилиги да қўшма комиссия тузилсин.

Комиссияга СССР ва РСФСР пойтахти Москва шаҳрининг мақоми тўғрисидаги СССР қонуни лойиҳасини бир ой муддатда ишлаб чиқиш топширилсин.

2. СССР Олий Кенгаши билан РСФСР Олий Кенгашига қонун лойиҳасини кўриб чиқиб, белгиланган тартибда қабул қилиш таклиф этилсин.

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль. 1991 йил 23 январь.

СССР Жамғарма банки: ҳалол меҳнаткаш қўрқмаса ҳам бўлади

СССР Президентининг 50 ва 100 сўмлик пулларни муомаладан чиқариш тўғрисидаги фармони кучга кирган дастлабки куни СССР Жамғарма банки бошқарувининг раиси В. Хоркин ТАСС мухбирининг саволларига жавоб берди.

— Бу фармон халқ депутатларининг IV съезди маъқуллаган ҳамда давлатимизнинг пул муомаласини ва молияни тартибга солиш тадбирлари кўзда тутилган мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишларидан келиб чиққан. Фармон ниҳоятда иқтисодиётга қарши курашга қаратилган, у муомалада юрган, лекин нопок йўл билан топилган пулларни йўққа чиқаради. Бу, табиийки, аксарият меҳнаткашларимизнинг манфаатлари йўлида қилинмоқда.

Фармоннинг моҳияти тўғрисида биз 22 январь куни кечқурун «Время» программаси орқали хабар топдик. Банк муассасаларига тундаёқ тегишли кўрсатмалар берилди. Бироқ айрим районларга, масалан, Узоқ Шарққа бу кўрсатмалар бироз кечикиб борди. Бунинг устига, жамғарма банки ҳар куни қариб ўн миллион кишига хизмат қилади. Табиийки, кассаларни, пул маблағларини ва шу кабиларни тегишли равишда тайёрлаб қўйиш зарур эди. Бир қанча жойларда тегишли қимматга эга бўлган пуллар етишмади ва бу, албатта, қийинчиликларни вужудга келтирди.

Ҳозир Давлат банки раҳбарияти ва маҳаллий вилоят банклари омборларни зарур пул маблағлари билан тўлдириш тадбирларини кўрмоқда. Аҳоли жамғармаларини қайтариб беришни вақтинча тўхтатиб қўйишга келганда эса, бу банклардаги жамғармаларга иш ҳақи, қалам ҳақи, пенсиялар ва ҳокозолар тарзида ўтказилаётган пулларга тааллуқли эмас. Бунинг устига моллар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳақ тўлашни ҳеч ким чеклаб қўймайди: жамғарма банкининг ҳисоб чеклари билан ҳисоб-китоб дафтарчалари ўз кучини сақлаб қолди. Бу дафтарчалар ёрдамида дўконлардан мол сотиб олиш мумкин. Бундан ташқари қимматбаҳо қоғозлар муомаласида ҳеч қандай чеклашлар йўқ.

Яна бир марта таъкидлаб ўтаманки, бу — пул муомаласини тартибга солдиган муваққат чора. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўпайиши шароитида бу чоралар яхши самара бериши лозим. Ҳозир биз пулни алмаштириш учун ажратилган уч кунинг биринчи куни тажрибасига таяниб, кескинликни юмшатиш учун қабул қилиш зарур бўлган тадбирларни ишлаб чиқаяпмиз.

Ҳар бир киши ўзининг ой лик ўртача иш ҳақини (кўпи билан минг сўмни) ёки пенсиясини алмаштириб олиши мумкин. Шундай экан, ҳалол одамнинг қўрқадиган жойи йўқ. Шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, бу иш давлат ҳазинаси манфаатларини ўйлаб қилинаётгани йўқ, меҳнаткашлар ҳуқуқлари асло камситилмаяпти. Қийинчиликлар, аниқроғи, айтиш мумкинки, ноқулайликлар албатта бор. Агар пул ҳалол топилган ёки тўпланган бўлса, ҳеч қандай саҳол туғилмаслиги керак. Ҳалол меҳнаткаш бир тийинини ҳам йўқотмайди.

ЖУРНАЛИСТ ЖАМИЯТДАН, ЖАМИЯТ ЖУРНАЛИСТДАН ҚАРЗДОР

ИЖОДИЙ УЮШМАНИНГ БУГУН ЎЗ ИШИНИ БОШЛАЙДИГАН СЪЕЗДИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

МУХБИРЛАР ЁЗАДИЛАР

«УРИКЛИ» ЧОРЛАЙДИ

«Джизанстепстрой» бирлашмасига қарашли «Уриклн» пансионати Зомин тоғлари бағрида жойлашган. Бу хушҳаво ва гўзал масканда ҳар йили юзлаб чўлқуварлар ҳордиқ чиқариб, саломатликларини тиклайдилар.

Дам олувчилар сони йил сайин кўпайиб бораётганлигини ҳисобга олиб, маъмурият ва касаба уюшмаси қўмитаси ошмоқни янада мангайтириш чораларини кўрмоқда. Хусусан, бултур 100 ўринли меҳмонхона ошхона, 48 мижозга мўлжалланган 12 та коттеж қурилиб фойдаланишга топширилганди. Бу йил кинотеатр, 10 та коттеж барпо этилади. Тевараклатрофни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш эса диққат марказида.

— Жамоамизнинг мақсади битта: далаларда сидқидил меҳнат қилиб, эл маъмурчилигига муносиб ҳисса қўшаётган пахтаномларга сабзавотчиларга, боғбону соҳибиорларнинг соғлиқларини мустаҳкамлаш, чарчоғини малҳам бўлиш, — деди пансионат директори Мирзашнрин Мирзаюсупов. — Улар учун ишимиз ҳамиша очиқ.

Қ. АҲМЕДОВ.

НОМИ ЎЗГАРТИРИЛДИ

Тошкент метросининг Юнусобод йўналишида қурилаётган бекатларнинг номлари лойиҳада «1 Май», «Олой бозори», Киров, «ВДНХ» деб кўрсатилганди. Шаҳар қурилиш-маъморчилик бош бошқармаси, метрополитен ва «Тошметролойиҳа» раҳбариятлари юқоридаги номлар Тошкент тарихи ҳамда қиёфасига мос келмаслигини англаб, қолаверса, жамоатчилик фикрини ҳисобга олган ҳолда уларни ўзгартиришни лозим топдилар. Атамалар комиссияси мазкур таклифни маъқуллаб, шаҳар кенгаши раёсати тасдиғига тавсия қилди. Шунга кўра бундан буён «1 Май» бекати машҳур ҳофиз, Ўзбекистон ССР халқ артисти Юнус Рамазий, «Олой бозори» бекати атоқли ёзувчи Абдулла Қодирий, Киров бекати улуғ аллома Муҳаммад Тарағай Улуғбек, «ВДНХ» бекати эса «Бодомзор» номи билан аталади.

Д. САИДОВ.

ИНСОН ОМИЛИ

«Андижантранс» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 2511-автокорхона маъмурияти, касаба уюшмаси ташкилоти ҳайдовчилар, айниқса уруш ва меҳнат фахрийларига ғамхўрлик кўрсатишга биринчи даражали иш сифатида қарамоқдалар. Меҳнат кенгаши қарорига биноан ўтган бир йил мобайнида 30 нафардан зиёд ветераннинг хонадонига телефон бепул тушириди, уннинг ҳақи корхона ҳисобидан тўланмоқда. Тўй-маросимлар ўтказган 20 дан кўпроқ ишчи-хизматчига 2 минг сўмдан 3 минг сўмгача ёрдам берилди. Ишлаб чиқаришда ҳалоқида ўрнак кўрсатган турли касб соҳибларидан 130 нафари эса мамлакатимиз ва хорижий давлатлар бўйлаб саёҳатда бўлди, санаторий ҳамда дам олиш уйларида ўз саломатлигини тиклаб қайтди.

У. МУҲАМЕДОВ.

ҲАМ СИФАТЛИ, ҲАМ БАРДОШЛИ

Чирчиқ қурилиш материаллари ва конструкциялари заводида ғовак панель ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уйсозликда кенг қўлланиладиган бу маҳсулот ўтмишдошларидан бирмунча енгил бўлса-да, 0 балли ер силкинишига бардош бера олади. Рустам Шариазаров бошлиқ бригада аъзолари: кранчилар Рита Шерматова, Зуҳра Йўлдошева, қолипловчилар Зина Телибоева, Шуҳрат Жабборов, Мирқодир Миранбаров янги хом ашё сифати ҳамда чидамлилигини янада оширишнинг имкониятларини изламоқдалар.

Ж. САЪДУЛЛА.

Бугун Ўзбекистон журналистларининг қурултойи очилади. Сўзга чиқсаммикин? Бундан аввалги қурултойда ҳам қатнашган эдим. Силлиққина ўтганди. Аввалдан белгиланган нотиқлар, бошқарув аппарати... баравар қўл кўтариб, баравар қўл туширган эдик.

Тасодифан келган раҳбарлар тасодифан тарқаб кетишди.

Мана қарийб беш йил ўтибди. Уюшма ҳаётида, журналистлар турмушида қандай ўзгаришлар бўлди? Қайта қуриш, ошкоралик бу соҳага не янгилик киритди? Ўйлаб қоламан. Бенхтиёр ижодий уюшмамиз фаолиятини Ёзувчилар уюшмасиники билан таққослайман.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида жумҳуриятимиз ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида эртага қўзғаладиган гап бугун баҳс-мунозарага сабаб бўлаётганини, у ерда қайноқ ҳаёт жўш уриб, барча секциялар мунтазам ишлаб турганини кўрамиз. Ошкоралик ўлароқ, бу бошқарувда Адолат кенгаши ташкил топди. Ҳаётимиздаги ўзгаришларга ёзувчилар жанговарлик ва шитоб билан ўз муносабатларини билдирмоқдалар. Ҳақиқат, тарихий адолат учун кураш, жумҳуриятимиз мустақиллиги, она тилимизга давлат мақомининг берилиши, қатағон йиллари фожиалари ва бошқа масалаларда ёзувчилар дадил саъй-ҳаракат қилмоқдалар.

Шу сабаб, публицистика қайта қуришнинг энг жанговар жанри сифатида юзага қалқиб чиқди. Бу борада ёзувчиларнинг «Адабиёт ва санъат» ҳафталиги тўла имконият яратиб берди.

Мен бу гапларни нима учун айтаяпман? Журналистлар уюшмасида бу борада нималар қилинди? Тўғри, депутат раҳбаримизнинг саъй-ҳаракатлари билан Ориф Юнус, Фахриддин Умаров билан учрашув, сўнг депутат ижодкорлар билан мулоқот ўтказилди ва бошқалар.

Ахир жанговарлик, қайноқ ҳаёт шу уюшмада жўш уришн керак, эмасмиди? Қайта қуриш айни журналист қайнаб-тошиб, жанговарлик, ҳозиржавоблик билан елиб-югуриб, айни ҳақиқатни айтадиган долзарб давр-ку! Нима учун Иттифоқ шартномаси, жумҳуриятимиз ҳукуматининг давлат бюджети, йиллик режалари, пахта нархи ва йирик муаммолар ҳақида Ёзувчилар уюшмасида фикр билдирилади-ю, журналистлар сукут сақлашади?

Бунинг сабабларини ўйлаб кўрайлик.

Ёзувчилар биздан кўра эркинроқ фикрлайдилар, улар биздан кўра жасоратлидирлар ва шунинг учун ҳам жумҳуриятдаги воқеаларга бефарқ қарамайдилар. Эркинликлари боиси — улар бошлиққа қарам эмас. Бир жойда ишламасалар ҳам китобларини чиқариб ёки матбуотда қатнашиб, бир қадар тирикчилик қиладилар.

Уларнинг дардини эшитадиган эркин, мустақил раҳбарга эга бўлган Ёзувчилар уйи бор, бемор бўлса даволайдиган шифохонаси, дам олиш уйи, дала ҳовлиси бор. Моддий жиҳатдан рағбатлантирадиган нашриёти, Адабиёт фонди, тарғибот бюроси мавжуд. Ниҳоят, дардини тинглайдиган, қувғинда қолса ҳимоя этадиган ҳаммаслаклари тайин.

Журналистларда-чи?

Ҳамкасбларим кечирсинлар, бундан бошқача гап айтолмайман. Мен уларни тўрт тоифага бўламан. 1. Раҳбарлар. 2. Жасоратлилар. 3. Меҳнаткашлар. 4. Абдулла Орипов таъбирича, косиблар.

Бизда то шу кунгача Журналистлар уюшмаси фаолиятига иккинчи даражали иш деб қаралди. Негаки, уюшма раҳбари ё Матбуот давлат қўмитаси раиси, ё катта рўзноманинг бош муҳаррири бўлиб келган.

Табиий, бу раҳбар ўзининг маош оладиган ишини бажариб, вақти ортсагина ёки зарур бўлиб қолгандагина иккинчи вазифасини эслаган. Унинг ўринбосарлари ҳам ўроқда йўқ, машоқда йўқ — хирмонда ҳозир: ё Телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси, ё ЎзТАГ директори бўлиши керак эди. Ана шу тарзда уюшмани (кейинги 2—3 йилни ҳисобга олмаганда) журналист бўлмаган кишилар бошқариб келдилар. Бундай раҳбарлар маъмурий-буйруқбоз аппаратнинг ноғорасига ўйнаб, оддий, меҳнаткаш, камтар журналистни менсишмади, керак пайтда уни ҳнмоя ҳам қилмайдилар.

Биз 20—30-йиллар журналистикаси тарихини яхши биламизми? Ўша даврда ижод этгаи, қатағон йиллари туҳмат балосига учраган журналистлар тақдиринчи? Фельетонлар қироли Абдулла Қодирий, «Муштум»нинг биринчи муҳаррири, сургунда хор-зор бўлган Ғози Юнусни-чи?

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адолат кенгаши Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирни юзага чиқариш учун саъй-ҳаракат қилиб, Ғози Юнуснинг 100 йиллигини нишонлаб турган бир пайтда биз нега жиммиз?

Тўғри, жасоратли журналистларимиз қайта қуриш, ошкоралик сабаб, дадил гапларни айтмоқдалар. Лекин ҳали улар ҳақиқатни чала айтаяптилар. Чункн 20—30-йиллар асорати юрагимизда қўрқувни сақлаб турибди. Ҳозир ҳам журналистга тазйиқ сезилади. Биргина «Муштум» мажалласиқинг ўзидаги ҳангомаларни олинг.

Дастлаб Зоҳиджон Обидовнинг «Арслоннинг ўлими» масали «шов-шув» бўлди. Гўё Усмонхўжаевга бир киши (яъни халқ) савол берибдики, «Рашидовни қораловдинглар деб. Бу масал уни оқлаш учун ёзилган эмасми?»..

Шу тарзда бу гап Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси пленумида ғоявий раҳбаримиз иштирокида минбарга чиқиб кетди. Сичқоннинг ини ижарага олинниб, ҳамма писта пўчоғига жо бўлди. Биров на шоирдан, на мажалла жамоасидан сўрамади нима гап деб. Шундан сўнг «Муштум»да кадрлар масаласи юқоридан ҳал этилди. Масал эса миш-мишга айланиб, ўқимаганлар қидириб топиб ўқиб, ҳатто бошқа тилларга таржима қилиниб, қўлма-қўл ўтиб, машҳур бўлди.

1984 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «машҳур» XVI пленуми бўлиб ўтди. Унда ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик ва жамнятдаги бошқа номуносиб ҳолатлар қаттиқ қораланди.

Ўзбекистон ташкнл топганлигининг 70 йиллигн муносабати билан мажалламизда вилоятлараро кулгисеварлар мусобақаси ўтказилди. Ушанда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг тарғибот бўлимига савияси «зўр» таҳлилчи ҳажвияни фельетон деб тушунтириб, Журналистлар уюшмаси пленумида яна дакки эшитдик. Хуллас, «Муштум» инқилоб йилларидан бери жамиятни қайта қуришга хизмат учун яратилиб, Ҳақиқат ва Адолатни байроқ қилиб кўтаргани сари доим бу мушт ўзига тарсаки бўлиб тушаверди.

Ана шу тарзда ношуд бир раҳбарнинг муфсид фикри партия қўмитасинники қилиб ўтказилди ва бу нарса одамларнинг партиядан кўнгли қолишига сабаб бўлди.

Бу яқиндаги гаплар. Бошқа таҳририятларда ҳам шундай ҳол такрорланмаяпти деб ким айта олади?

Жамиятдаги илғор кучлар фаоллашиб, жанговарлашгани сари буйруқбоз аппарат ўз тазйиқини кучайтираяпти, баъзан бунга эришаяпти ҳам.

Журналнстнинг хўжайини кўп. Унга раҳбаридан тортиб, партия ташкилотигача, ҳатто жамоа хўжалигининг бойвачча раисигача тазйиқ ўтказа олиши мумкин. Чунки уни ҳимоя этувчи уюшмаси бунга лоқайд, совуққон. Агар журналист астойдил кураш учун отланса, бугунги иш ўрнидан ажралиши турган гап. Яъни еб турган нонидан, болаларининг ризқ-рўзидан айрнлади. Шунинг учун улар сафида меҳнаткашу косиблари кўп. Улар ҳамма нарсага «лаббай» деб жавоб берадилар, дарҳол ишга киришиб кетадилар, вазифани ўртамиёна бажарадилар ва раҳбарнинг ишончини ҳам қозонадилар.

Ишдан кетган журналист дардини тингловчи уюшмаинг тайинли уйи ҳам йўқ, шифохонаси, дала ҳовлиси ҳам, жамғарган пули ҳам, уни бошқа ишга чақирувчн, мақолаларини чоп этувчи мард муҳаррир ҳам. Шу сабаб қашшоқ, тирикчилиги бир нави ўтаётган бечора ўз иш курсисига маҳкам ёпишиб олган. Қалами ўткир, жасоратлиси йўқлиги айниқса янгн ташкил топган нашрларга ишга олишда сезилиб қолди.

Журналнстлар жумҳурнят тақдири, халқимиз ор-номуси ҳал этилаётган ҳозирги долзарб даврда бир гуруҳ ёки бир партия манфаатини кўзлаб эмас, балки жумҳуриятимизда истиқомат қилаётган жамнки кишилар манфаати, расмий-норасмий қатламларнинг ижтимоий нуқтаи назарндан туриб ўз сўзларинн айтмоқлари керак, деб ўйлайман.

Яқнида матбуотда Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг устави лойиҳаси эълон қилинди. Назаримда у партия уставидан кўчнрмадек туюлди. «Ўзбекистон» сўзи олиб ташланса, исталган жумҳуриятнинг устави дейиш ҳам мумкнн. Чунки унда мен миллийликни кўрмаднм. Ижодий ташкилотнинг ўзига хос томонларини ҳам ёритнш керак эди.

Жумладан, унда цензура ҳақнда, уюшма аъзоларининг тенглиги, журналистнинг вазифасн, миллий онгни уйғотиш, жумҳуриятлараро ҳамкорлик, ишсизларга муддатли нафақа, давлат ва жамоат ташкилотларидаги ваколати тўғрисида, журналист ҳар ойда бадални мунтазам тўлар экан, у солиқ ва бошқалардан халосми, йилнинг энг яхшн мақоласи деб маъқулланган асарларни тўплаб нашрга тайёрлаш хусусида аниқ тафсилотлар бўлишини истардим.

Асли ўзи уюшма катта кучга эга. Унга таянниб кўп ишларни бажарса бўлади. Ўнлаб, юзлаб тиннб-тинчнмас, меҳнаткаш, жасоратлн хотиқ-қиз аъзолари бор. Булар тумандаги рўзномалардан тортиб, жумҳурият матбуотида ҳам фаол қатнашмоқдалар. Қани эди уюшма қошида хотин-қизлар кенгаши ташкнл этилса-ю, матбуотда ёритилган бу масалаларни жамлаб, хулосалаб, ҳукумат доирасида амалий тадбир қўллаш даражасига олиб чиқилса.

Уставда кўрсатилган Касб ахлоқ-одоби ва ҳуқуқи кенгаши номини Адолат кенгаши деб аташ мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Чунки журналистлар тазйиққа учраган пайтда ана шу кенгаш ҳимояга отланиши керак.

Ҳозирги ошкоралик ва демократия даврида у турли муаммолар гирдобида ўралашиб, баъзан ноҳақлнкка учраганда ҳақиқатни ким айтиб беради. Ёки юрагида тугун бўлиб қолаверадими? Шундай пайтда у ўз дардини, қийнаётган саволларини кимгадир айтгиси келади. Унга ҳамдард бўладиган биргина «Ўзбекистон матбуоти» ойномасидир. Аммо ойнома шу куннинг талабига жавоб берадими? Оддий бир мисол: бугун ўтадиган қурултой материаллари билан уч ойдан сўнг таниша оламиз.

Журналист билан бирор масалада баҳс туғнлиб қолса-чи?

Ҳозир буйруқбоз аппарат танқидга чидай олмай, ўзини юз кўйга солмоқда. Гоҳо қаламкаш ёзган мақоласи учун юзлаб мухлисларидан ташаккур, фикр-мулоҳазаларини қувватловчи хатлар олади, буйруқбоз эса «мен ҳақ» дея икки оёғинн тираб туради. Ана шундай пайтда журналист енгнлиб қолмоқда. Уни ёки унинг мақоласини босган нашрни судга бериш ҳоллари учрамоқда. Суд жараённ қандай бўлади? Бу соҳада на у томоннинг, на бу томоннинг тажрибасн йўқ. Ана шунда журналистдек тезкор касбнинг тезкор рўзномаси, лоақал ҳафталиги бўлмаганига ачинасан. Мана шу йилдан бошлаб барча матбуот нашрлари нархи ошдн, нашр адади (тиражи) камайди. Москвада, масалан, «Комсомольская правда» каби газеталар бунга ўз муносабатларини билдирдилар, ҳатто қоғоз учун курашдилар. Бизда эса таҳририятдан бир оғиз сўрамай нархни ошириб қўйдилар. Нашрларнинг нархи ошиши чоғинг келса сотиб олиб ўқи, дегани эмасми?

В. И. Леннннинг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» асарида шундай жумлалар бор: «Бу адабиёт эркин адабиёт бўлади, чунки бу адабиёт айш-ишрат кўнглига урган ҳокимиятга, тўқликка шўхлнк қилиб, семизликни кўтаролмай қолган ўнмингтача зодагонларга хизмат қилмайди, балки мамлакатнинг гули, мамлакат куч-қуввати ва истиқболининг эгаси бўлган миллионмиллионлаб ва ўн миллионлаб меҳнаткашларга хизмат қилади». Ўйлаб қоласан: наҳотки бизнинг ҳозирги матбуотимиз ночор ҳолда қолган миллионлаб халққа эмас, пули борларга ўқиш учун насиб этади? Бу ахир халқни ғафлатда сақлаш эмасми? Буни ким ўйлаб топди?

Матбуот ҳақидаги қонунчи? Журналистлар уюшмаси бу борада бонг уриши керак эмасми? Бундай пайтда унинг ўз рўзномалари бўлиши зарур эканинн англаб етасан. Афсус, бизда ҳам турли-туман нашрлар кўп, аммо бир-бирини такрорлайдиганлардан не наф?

Шуларни айтмоқчи эдим...

Қутби НОСИР қизи,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси VIII қурултойн делегати.

МЕНГА СЎЗ БЕРИНГ!

Қалам учида алам

Ижодкорнинг ижодкорга саволи

КАСБИНГИЗДАН МАМНУНМИСИЗ?

Бугун Тошкентда Ўзбекистон ССР Журналистлар уюшмасининг VIII съездн ўз ишини бошлайди. Касб тақозосига кўра кунлар тунларга уланаётган, таҳририят топшириғи билан бола-чақа, оиладан олисда юрган кезларн журналистларнинг хаёлларидан кўп ҳодисотлар кечиши тайин. Умуман, бу касбнинг этагидан тутиб хато қилмадимн? Журналистика унга нима берди? У ўз касбидан мамнунмн?

Мухбиримиз куни кеча баъзи касбдошларига шу саволлар билан мурожаат қилди.

Шарифа САЛИМОВА («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномаси мухбири):

— Очиғини айтсам, ёшлар журналистика факультетига шоир ё ёзувчи бўлиш иштиёқида ҳужжат топширадилар. Бу иштиёқдан мен ҳам бебаҳра эмасман.

Аммо бугунги кунга келиб, журналистикани яхши кўриб қолдим. У бизнинг ғалаёнли давримиз учун ниқоятда зарур эканлигини англадим. Тўғри, унинг барча арконларини тўлақонли бажара олмаяпмиз.

Бунинг сабаблари кўп. Масалан, мен чет эллик ҳамкасбларимга ҳавас қиламан. Уларга яратилган шарт-шароит, энг сўнгги техник воситалар, компьютерлар, муҳими — руҳий мадад биз учун орзу, холос.

Маёзу бисёр. Биргина аёл қисматини олиб қарайлик — фожиаларга нақадар бой. Аслида бу — жамият жароҳати. Хоҳлайдими, хоҳламайдими — у барибир журналист дардига айланади.

Бу ноқисликлар барҳам топар, биз ҳам бир кунмас-бир кун ҳаётга жароҳатсиз қалб билан боқармиз, деган орзуда яшаяпман.

Охиргиси; Журналистлар уюшмаси фаолияти мени мутлақо қониқтирмайди, мен унинг бошқача, айтайлик, паҳлавон, ўктам, ҳунарманд, ғамхўр йигитлардек бўлишини истайман.

Ҳўжамурод ҚУЛДОШЕВ («Ҳақиқати Ўзбекистон» рўзномасининг бўлим мудири):

— Албатта, журналистика менга кўп нарса берди, муҳими — ҳаётни танитди. Рўзнома саҳифалари боис ҳар куни юзлаб одамлар билан суҳбатлашгандек бўламан. Ва яна шу сабаб — жумҳуриятимизнинг ҳамма районларида, ҳатто Афғонистонда ҳам дўстларим бор. Бу касб менинг кўзимни очди: доктор билан доктор, министр билан министр, доя билан доя бўлиб гаплашишинг керак. Демак, журналист инсон қалбининг муҳандисидир.

Муродим шуки, бу касб эгалари кўпайиб аллома даражасига етсинлар. Ва форси гуфтаам: мурода ҳаминки, кашшофхон ин касб боз бисёр, шаван ва ба дарашаи алломаҳо бардашта шаван. Ижодий уюшмамизга келганда тан берай: мен ундан қарздорман — озми-кўпми ҳақ олганман, аммо ҳақ бергаиим йўқ.

Мирзакарим ПИРМАТОВ («Совет Ўзбекистони» рўзномасининг бўлим мудири, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори):

— Бундан ўттиз йил муқаддам район рўзномаси таҳририяти масъул котибига «иккинчи саҳифани тўхтатиб турингглар, шеър олиб бораман», деганимни эсладим. Журналистикага меҳр қўйганлигим ўша дамлардан, мактаб синфхонасидан бошланган бўлса ажаб эмас. Ҳақиқатдан ана шу касбимсиз ҳаётимни тасаввур қилолмайман. Шеърми, ҳикоями, мақолами — қайта-қайта ўқишдан эриймайман.

Шу меҳр туфайли босмахонада оддий ишчи бўлиб ишладим, ҳарф тердим, босиш машинасини бошқардим, мусаҳҳиҳлик қилдим. Ўша пайтларда жумҳурият рўзномаларида ишлашни орзу қилгандим. Бу меҳр мени пойтахтга олиб келди. Шу ерни муқаддас даргоҳ деб, қалол ишладим ва ишламоқдаман. Ва бахтлиманки, бугунги кунда ўнлаб шогирдларим бор.

Бизни бирлаштирувчи ижодий ташкилот керак, аммо ҳозирги ҳолатида эмас. Қанақа бўлишини бугунги съезд ҳал этар...

Жаббор РАЗЗОҚОВ («Ёш ленинчи» рўзномаси муҳаррири):

— Айни ҳозирги кунларда журналист бўлиш ниқоятда оғир. Чунки муштарийларимиз биздан тарихимиз, эски урф-одатларимиз, бой меросимиз ҳақида ҳаққоний мақолалар кутмоқдалар. Рўзнома ва ойнома, радио ва ойнаи жаҳондан, бошқа манбалар уларни қондира олмайди. Шу даргача нашр қилинган китобу дарсликларда эса ҳақиқат тўла акс этмаган — кемтиклигича, чалалигича, майиб-мажруҳ этиб кўрсатилган.

«Ёш ленинчи» уч-тўрт йилдан буён ана шу «бўшлиқ»ни тўлдираяпти. Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари ҳақида баҳоли-қудрат маълумотлар берилаяпти. Рўзномамиз жумҳуриятда энг кўп нусхада чоп этилаётганлигини ҳам муштарийларимизнинг ҳақиқатга, адолатга чанқоқлиги туфайли деб биламан.

Ишимизда ана шундай даражага эришилмаганда, мен ўз касбимдан норози бўлардим. Бильакс, ижоду изланишнинг фойдаси йўқ, истеъфога чиқиб кетишга тўғри келади.

Журналистлар уюшмаси бошқарувининг котиби сифатидаги фикрим: кимки бизни умуман ҳеч нарса қилмади, деб айблашга интилса, янглишади ва бошқаларни ҳам янглиштиради. Албатта, қилинган ишлардан қилинмаганлари кўп, аммо имконсизлигимиз, чоресиз ва ҳуқуқсизлигимизни ҳам эътиборга олиш зарур. Энди янги устав бор, интилиш бор, истак бор, фақат курашмоқ, ҳақимизни талаб этиб олмоқ зарур.

Абдуғофир МАМАТОВ (Ўзбекистон радиоси ҳуқуқ ва тарбия бўлимининг катта муҳаррири):

— Аслида мен журналист эмасман — муаллимлар тайёрловчи институтнинг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатганман. Менимча, журналистлик дипломдамас, инсон қонида, юрагида бўлар экан.

Мактабда ишлаб юрганимда район рўзномасида кичик бир мақолам чиқди. Гарчанд исм-шарифи ёзилмаган бўлса-да, қаҳрамоним мактабга болта кўтариб келганди. Шунда ҲАҚ СЎЗнинг нақадар қудратли эканини сездим ва унга, ўйлашимча, бир умр боғланиб қолганга ўхшайман. Нега?

Мени илгари ҳам, ҳозир ҳам имтиёзли лавозимларга таклиф қилишган ва қилишмоқда. Аммо бормадим, бормайман ҳам. Қаламим қимирлаб турса, уларнинг ўзи менинг олдимга келишади...

Мен радио ва ойнаи жаҳон жаҳасида қалам тебратаётганларнинг алоҳида ижодий уюшмаси бўлишини истайман.

Нодира АБДУЛЛАЕВА («Гулхан» ойномасининг масъул котибаси):

— Мамнунман. Пушаймонман ҳам.

Мамнунлигимки, ёзган мақолаларим туфайли неча хил чигал тақдирлар ҳаққоний ечимини топди. Одамларга озми-кўпми ёрдамим тегди. Касбим боис қадрдон дугоналар, дўстлар орттирдим.

Пушаймонлигим эса менинг ҳамкасбларимга таниш калом — боқибеғамлик! Мактаблар ҳаётидаги муаммолар, таълим-тарбиядаги нуқсонлар ҳусусидаги мақолаларим кўпинча изсиз, беоқибат қолиб кетаётганлигида! Таниш-билишлар жон куйдириб гапиришади, сен қонингни қўшиб мақола ёзасан. Масъул идоралар, бошқармаю вазирликларга танбеҳ берасан. Баъзан тошдан садо чиқадики, улардан жавоб ҳам, садо ҳам йўқ.

Ҳаркалай, мамнунлик юки пушаймонликдан оғирроқ. Шунисига шукур...

Ижодий ташкилотимизга келганда очиқ айтай: унинг борлиги ҳам, йўқлиги ҳам менга номаълум.

ЖЎШҚИН ёзиб олди.

БИРИНЧИ СОН ТАҲЛИЛИ

«Ўзбекистон матбуоти» ойномасининг биринчи сони босмадан чиқди. Унда Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримовнинг журналистлар билан учрашуви ҳақидагн ҳисобот, Тошкент вилояти партия қўмитасининг биринчи котиби, СССР халқ депутати С. Мамарасуловнинг «Фақат ҳақиқатни ёзайлик» мақоласи босилган. «Правда Востока» рўзномасининг бош муҳаррири Р. Сафаровнинг «Матбуот тизгинидан халос бўладимнмі?» ва СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси Лев Корнешовнинг «Мамлакат журналистлари, бирлашнигизі» мақолалари ҳамкасбларимизнинг эътиборини жалб этса керак. РСФСР, Украина, Белоруссия Журналистлар уюшмаларининг съездларидан, Ўзбекистон ССР Матбуот, Телекўрсатув ва радиоэшиттириш давлат қўмиталарининг қайъат мажлисларидан берилган ахборотлар ҳам бор.

«Жўшқин дорилфунун» сарлавҳали фотолавҳа муштарийларни «Совет Узбекистони» рўзномаси ижодкорларининг иши ва ҳаёти билан таништиради. Жумҳуриятда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор А. Аюпов ошкоралик сиёсатининг асосий тарғиботчиси ва ташвиқотчиси ҳақида этилган мақолада ҳамкасбларимизнинг ҳаётидаги ҳамкасбларимиз, кўмакдошларимизнинг хабар, мақола, шеър ва насрий мақолалари ўрин олган.

Ойнома ўз номига мувофиқ мавзу доирасини янада кенгайтиради, янги рукнлар очади. Қайта қурншнинг олга силжишида, унинг мақсадларини қаттиқ турнб ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ниқоятда муҳимлигини ҳнсобга олиб, рўзнома ва ойномаларнинг, телекўрсатув ва радионинг жўшқин нжодий ҳаётини, таҳририятларнинг иш услуби, касб маҳоратини, омма билан алоқасию мулоқотини имкон борича тўла кўрсата билишга, нашриёт ходимлари, матбаачиларнинг таҳсинга сазовор ишларини кенг ёритишга ҳаракат қилади. Матбуот тарихини мунтазам ёритиб боришни, қалами ўткир, фикри теран, забардаст қалам соҳибларининг, баркамол истеъдод эгаларининг қиёфаларига чизгилар беришни ойномамиз ўзнинг шарафли бурчи деб билади.

Ойномада ҳали кўтарилмаган мавзулар кўп. Бу ҳақда съездда ҳам жиддий танқидий мулоҳазалар айтилиши муқаррар. Район ва вилоят рўзномаларининг иши, таҳририятндаги ижодий муҳит қандайлиги, журналнстнинг пок маънавий қиёфаси, одоби, маданияти, ҳақгўйлиги, жамиятда тутган ўрни хусусида дадил гаплар ҳали анчагина. Шу ва бошқа мавзуларга доир хат, хабар, мақолалар кутамиз сиздан.

Зиёд ЕСЕНБОЕВ,
«Ўзбекистон матбуоти» ойномасининг бош муҳаррири.

Деҳқончилик илми ва амали

ҚУДРАТУ ҚИЛИЧУ ҚАЛҚОН

ПАХТА НАВИ ТЎҒРИ ТАНЛАБ ЭКИЛСА, ЖУМҲУРИЯТ МИЛЛИЙ ДАРОМАДИГА 1,5—2 МИЛЛИАРД СЎМ ҚЎШИМЧА НАФ КЕЛТИРАДИ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ МУАЛЛИФ

Жумҳуриятимиз ҳар томонлама қудратли, мустақил давлат бўлиши кўп жиҳатдан иқтисодий пойдеворнинг мустаҳкамлигига боғлиқ. Шунинг учун уни бойитишнинг самарали йўлларини излаб топиш ҳаётий заруратга айланмоқда.

Бу борада 1990 йилда дастлабки қадамлар ташланди. Ўзбек деҳқони етиштирган пахтасини улгуржи савдо кўргазмасида биринчи бор ўзи сотиш ҳуқуқига эга бўлди. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги саноат корхоналарига 682 минг 175 тонна, чет эл саноатчиларига 226 минг тонна пахта толаси бозор нархида сотилди. Бошқача айтганда, деҳқонга берилган эркинликнинг илк намунаси юзага чиқди.

Ҳа, деҳқон орзуси ушалмоқда. СССР Президентининг яқинда эълон қилинган «Ер ислоҳотини амалга ошириш юзасидан биринчи галдаги вазифалар тўғрисида»ги фармони ҳам деҳқоннинг ерга эгалигини мустаҳкамлаш, томорқа хўжалигини кенгайтириш борасидаги ғамхўрликнинг тимсолидир. Жумҳуриятимизда пахта майдонларидан 160 минг гектари томорқалар учун берилди. Жорий йилда яна 108,5 минг гектар ер аҳоли эҳтиёжи учун ажратилади. Пахтазорларнинг қисқариши эвазига қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш имкони туғилмоқда. Масалан, Фарғона водийси вилоятларида сўнгги икки йил мобайнида 20 минг гектарга яқин боғлар бунёд этилди.

Ўзбекистон аҳолисининг тиримчилик манбаи бевосита ер билан боғлиқ. Пахтазорлар қисқарса-да, тола етиштиришни камайтириш мумкин эмас. Чунки энди у деҳқоннинг чўнтагига пул тушадиган шоҳсупага чиқиб олди. Тола жумҳуриятимизнинг асосий бойлигигина бўлиб қолмай, у қурол, мудофаа кучи ва қалқон ҳамдир. Унинг бу сифатлари яқин вақтларгача қишлоқ хўжалигини бир томонлама ривожлантиришга асос қилиб олинган эди. Кўп раҳбарларимиз пахта сўзи ёнига «жаноби олийлари» деган буржуача иборани қўшиб талаффуз этишни ўзларига эп кўришди. Бечора деҳқон эса шийпон олдидаги бир парча ерда ҳам, мол боқилайдиган ювватларда ҳам ғўза ғулига тикилиб ўтиришга мажбур этилди.

Бундай ҳолат табиат мувозанатининг бузилишига, озиқ-овқат маҳсулотлари мўл-кўллигига салбий таъсир кўрсатибгина қолмай, инсон соғлигига ҳам ўз ҳукмини ўтказди. Бу ҳақда рўзномаю ойномаларда, илмий муассасаларнинг хулосаларида, ёзувчиларнинг чиқишларида, табобат аҳлининг ахборотларида озмунча қайд этилмаяпти. Пахтачилик ва деҳқончиликнинг бошқа тармоқларида заҳри қотил азот ўғити меъёридан кўп ишлатилиши натижасида аҳоли ўртасида, айниқса, ёш болали оналарда, гўдакларда сариқ, ошқозон-ичак касалликлари кўпайиб кетаётганлиги илмий асосланди. Тупроқни табиий чириндилар билан бойитиш борасидаги изланишлар бесамара бўлиб, ҳашарот ва зараркунандаларга қарши курашда биологик усуллардан кам фойдаланилмоқда.

Ваҳоланки, табиатни кўркам ва соғлом асрашимиз учун ҳар бир инсон, ҳар бир хўжалик раҳбари ўз ҳудудида табиат мувозанати сақланишига, халқимиз саломатлиги муҳофазасига ўз ҳиссасини қўшиш орзу-истаги билан яшамас экан, ҳаёт оғуларидан қутулиш амри маҳол.

Пахта яккаҳокимлиги ҳанузгача кўп жойларда ҳукмрон эканлиги сир эмас. Жумҳуриятнинг бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан чигит экиладиган майдонларни 45—50 фоиз қисқартириш эвазига боғдорчилик, полиз ва сабзавотчиликни ривожлантириш, дуккакли, ёғ олинадиган кунжут, зиғир, чорва моллари учун озуқа экинлар майдонини кенгайтириш — шу куннинг талаби. Бу — аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, ижтимоий ва моддий эҳтиёжларни қондириш, табиат мувозанатини сақлашга олиб борувчи ягона йўл.

Бинобарин, фан олдида пахтачиликни тараққий эттиришнинг янги уфқларини топиш, мавжуд майдонлардан олинадиган ҳосилдорликни ошириш, ердан тежамли-унумли фойдаланиш, тола сифатини яхшилаш, тезпишар навларни яратиш ва жорий этишни жадаллаштириш муаммолари турибди.

Маълумки, ҳозир жумҳуриятимизда тола чиқиши 32 фоиздан ошмаяпти. Ҳолбуки, буни лоақал 1 фоиз оширсак, ундан қўшимча 50 минг тонна маҳсулот олинади. Бу камида 20 минг гектар ерни иқтисод қилиш билан тенг. Шу маҳсулотнинг ҳар тоннаси 2.000 сўмдан сотилган тақдирда ҳам жумҳурият бўйича 100 миллион сўм фойда олинади. Тежалган ерларга эса озиқ-овқат экинларини жойлаштириш мумкин. Агар тола олиш 4—5 фоиз ошкрилса-чи? Жумҳуриятимиз иқтисодиётига 400—500 миллион сўм соф фойда қўшилади. Бунинг эвазига 100—120 минг гектар ерни ғўзадан бўшатиш имкони вужудга келади.

Бундан ташқари, қайси муассаса ёки муаллифнинг нави бўлишидан қатъий назар, жумҳуриятимиз далаларига ғўзанинг серҳосил навларини экиш туфайлигина ҳосилдорликни гектарига 4—5 центнер ошириш, ўрта ҳисобда 600—750 минг тонна қўшимча пахта етиштириш ҳисобига 1.200—1.500 миллион сўм маблағ ишлаб топишимиз мумкин.

Пахта тайёрлаш бўйича режани тола ҳисобида юритиш энг мақбул усул эканлиги чет элликлар тажрибасидан аллақачон аён. Бунинг афзаллиги шундаки, хўжаликлар тола сифати ва миқдорини кўпайтириш устида кўпроқ қайғурадилар. Нав танлашда, чигит экиладиган ерларга ишлов беришда изланишга, агротехника қоидаларига амал қилишга интиладилар. Чет мамлакатларда ҳар гектар ердан олинадиган толанинг миқдори 14—19 центнерга етказилган. Ёки толанинг чиқиш миқдори 37—39 фоизни ташкил қилади. Бизда эса тола олиш миқдори 32—33 фоиздан ошмаяпти. Бу борада нав яратувчи олимларимиз шуури паст.

Жумҳуриятимизда пахта тайёрлаш режаси хом ашё ҳамда тола ҳисобида юритилаётганлиги чотўғридир. Чунки заводда тола олиш миқдори қабул қилинган пахтага нисбатан устун келган ҳолларда хўжалик раҳбарлари заводни қаллобликда айблаб, ноғоғлом муносабатлар вужудга келмоқда. Агар пахта тайёрлаш режаси тола ҳисобида белгиланса, бундай нохушликларга чек қўйилган, олинган тола миқдоридан манфаатдорлик руҳида иш юритилган бўларди. Муҳими, меҳнатга муносабат ўзгарарди.

Эртапишар, сертола навларга эга бўлиш—деҳқоннинг орзу-истаги. Ана шундай истиқболли нав — «Юлдуз» 1989 йилда Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида экилди. У жуда тезпишар (110—120 кун) бўлиб, гектаридан 30—50 центнергача ҳосил олинади. СССР Агросаноат давлат комитети маълумотига кўра бу навнинг барги ўтмишдошларининкига нисбатан 25—30 фоиз кам, машина теримига мос, оқлиги 5,8—8,8 фоиз, харидоргир 5-тип тола беради. Толанинг чиқиши 39,6—41,1 фоизни ташкил этади.

Агар «Юлдуз», «АН-410», «АН-415» сингари навларни жумҳурият пахтачилигига кенг жорий этадиган бўлсак, ҳозир яратилаётган хирмонимиз ортиқча ишчи кучисиз, сарф-харажатларсиз қўшимча равишда деярли бир вилоят пахтаси миқдорида кўпаярди. Бунинг иқтисодий аҳамиятини изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

«Юлдуз» навининг истиқболига пахтакорлар ўз ишлари якунида ишонч ҳосил қилдилар. Жумладан, 1989 йилда «Юлдуз» навини дастлаб эккан Ғузор районидаги Куйбишев номли жамоа хўжалигида 450 гектар ернинг ҳар гектаридан режадаги 23,5 центнер ўрнига 32 центнердан юқори навли ҳосил олинди. СССР халқ депутати Раъно Жонқувватова бошлиқ бригада 36, Рустам Худоёров бригадаси 35,1, Абдулла Бозоров бригадаси 32,5 центнердан ҳосил олишиб, янги навнинг йўлига яшил чироқ ёқишди.

Утган йили бу навга талаб анча ортди. «Юлдуз» экилган майдонлар кенгайди. Нав-элита уруғчилигини ривожлантириш мақсадида Шаҳрисабз районидаги «Партия XXVII съезди» жамоа хўжалигининг Шербобо Норбобоев бошлиқ коллектив 68 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан, Ульянов районидаги «Москва» давлат хўжалигининг Шоҳсанам Зиёдуллаева бошлиқ бригадаси 56 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил йиғиб олишди. Шунингдек, Ғузор районидаги Карл Маркс номли, «Партия XXII съезди» жамоа хўжаликларидаги Кенжа Назаров, Рўзиқул Тошпўлатов, Мирзо Қўчқоров, Хайрулло Саъдуллаев, Абдулла Бозоров бошлиқ бригадаларда ҳам ҳар гектар ердан режадагидан 12—15 центнер кўп ҳосил олинган. Ҳосилнинг 90—95 фоизи биринчи навларга қабул қилинди.

Кейинги йилларда экилаётган 30 га яқин ғўза навларининг бирортаси иқтисодий жиҳатдан халқ хўжалигига қандай самара бериши тўла ўрганилмай экилмоқда. Масалан, ғўза навидан олинадиган тола миқдори, ҳосилдорлиги, тезпишарлиги, экологик шароитга мослиги, чигитнинг ёғлилик даражаси, машина теримига қулайлиги, толасининг оқлиги, харидоргирлиги ҳисобга олиниб, далаларга жойлаштирилганда эди, жумҳуриятимиз миллий даромадига 1,5—2 миллиард сўм фойда қўшилган бўлар эди. Бунинг устига пахта етиштиришдек давлат аҳамиятига молик иш бошида унинг тақдири учун уничалик ташвиш тортмайдиган раҳбарларнинг ўтириши ишимизнинг илгари юришига халақит бермоқда.

Масалан, Самарқанд вилоятида «Юлдуз» нави 1982 йилдан бошлаб экилмоқда. Навнинг афзаллиги ўзини кўрсатган бўлишига қарамай, деҳқонлар қизиқиши эътиборга олинмаяпти. Ихтисослаштирилган уруғчилик хўжалиги ҳам тугатилди. Асосий эътибор саноатбоп «Юлдуз» навидан 5—6 фоизгача, «Самарқанд-3» навидан 2—3 фоиз кам тола берадиган «Қирғиз-3», «С-9070» навларга қаратилмоқда. Бу ҳақда вилоят раҳбарларига берилаётган тавсиялар, афсуски, эътиборга олинмаяпти.

Мақоладаги барча фикрларимиз фақат бир нуқтан назар мақсадида юритилмоқда. Яъни ҳозир пахта экилаётган 1,8 миллион гектар майдондан мумкин қадар кўпроқ ерни бўшатиб озиқ-овқат экинларини экишни эркинроқ ривожлантиришдир.

Шунингдек, алмашлаб экишни тўғри йўлга қўйиш орқали ҳам йилига 300—400 минг гектар ерни озиқ-овқат экинларига ажратиш мумкин. Бунинг учун пахта ҳосилдорлигини гектар ҳисобига 31—32 центнерга, тола миқдорини 35—36 фоизга етказиш зарур. Ана шунда жумҳуриятимиз бўйича ҳар йили 1.500—1.600 минг тоннадан ошиқ тола етиштирилади. Бу — қатор йиллар давомида етиштириб келинаётган тола миқдорига тенг.

Хулоса: ҳосилдорлик ҳам, тола ҳам пахта навининг тўғри танланишига боғлиқ. Олимлар олдида эса юқори ҳосил берадиган тезпишар ғўза навларини яратиш, улардан чиқадиган тола миқдорини камида 38—39 фоизга етказиш вазифаси турибди. Бу борадаги илмий ғояларни амалиётга тадбиқ этиш учун қунт ва улкан ирода зарур.

1990 йилнинг апрель ойида ташкил қилинган жумҳурият уруғчилик бирлашмасига биркитилган чигит тозаловчи заводнинг ҳанузгача улар ихтиёрига ўтказилмаганлиги, кадрлар билан таъминлаш охирига етказилмаганлиги туфайли бирлашманинг тўла қувват билан ишлашига имкон бўлмаяпти. Пахтакорлар улардан сара уруғ кутишмоқда. Янги ташкил этилган Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бу муаммони ҳал қилишни тезлаштиради, деган умиддамиз.

Остон ЖАЛИЛОВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Муҳаббат Юнусова ва Сожида Абдусаматова Тошкентдаги «Шарқ гули» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилишади. Бу қўли гул чеварлар кунлик режани ошириб бажариб, ҳамкасбларига намуна бўлишмоқда.

Х. СОЛИҲ олган сурат.

Пайсалга солиш мумкин эмас

ҚОНУН КИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ?

Ҳурматли бош муҳаррир!

Кўзларимда ёш, юрагимда алам билан сизга ушбуни ёзаяпман. Мен, Тўраева Муқаддас—беш боланинг онасиман. Шаҳар марказидаги обод маҳалламизни тарк этиб, шу ерда қурилган тўққиз қаватли бетон уйдан квартира олдик: Полторацкий кўчаси, 4-уй, 54-квартира. Турмуш ўртоғим чорак асрдан бери партия тарихи институтида Маркс, Энгельс, Ленин асарларини таржима қиладилар, ўзим ишчиман — моянахўрмиз. Шунинг учундирки, бир йил идорама-идора сарсон бўлиб, олажак квартирамизни 9-қаватдан пастроққа «тушириш»га қурбимиз етмади. Утган йил бошида ўша «пешонага битишганинг»га кўчиб ўтдик. Совуқ, чакка жонга тегди. Бунинг устига, тўғриси ўғлим иғнорон—осмону фалакдан пастга қараши ҳавотирли. Ёзда қўшнимиз бизнинг йўлагимизда 3-қаватдаги 42-квартира олти ойдан бери бўш ётганини айтди. Суриштирсак, бу квартирани олган Матвиенко деган киши шаҳар ижроқўмига қарашли идорада ишларкан, баш кишилик оиласига 61,5 квадрат метр (беш хона) уй олган. Биз эса етти жон ҳудди шундай уйда ўтирибмиз. Боғ-роғли ҳовли-жойимдан айрилганим етмагандек, 9-қаватда чакка остида ўтирганим алам қилди, 30 август куни ўша квартиранинг эшигини бузиб кирволдик. Рост, қонунга қарши иш қилдим. Лекин қонун нега мени ҳимоя қилмайди-ю, амалдор ва пулдорларга хизмат қилади: нега Матвиенко ҳам ноқонуний, ҳам истаган қаватидан квартира ололадн! Ижроқўмга қарашли идорада ишлагани учунми? У милиционерларни бошлаб келиб дўқ урди, сўнг уйда фалон нарсаларим бор эди, деб тухмат қилиб судга берди. Биз кўчиб кираётганда гувоҳликка қўшнилارни чақирган, акт ёзган эдик — битта пайвand бадиоиндан бошқа ҳеч нима йўқ эди. Хуллас, район прокурори бизни кўчиришга ёзма кўрсатма берди, суд ижрочиси тегишли кишилар, милиция билан кўчиришга келишди. Биз кўчмадик. Тўполон бўлди. Район прокурорининг қароридан норозилик аризаси ёзиб шаҳар прокуратурасига борсам, Айдашев деган ходим қўпол гапириб, аризамни қабул қилмади. Ундан ўтиб прокурорга кириб бўлмас экан. Энди додимни кимга айтай!

15 январга кўчиришни белгилашган. Агар яна зўравонларча куч ишлатишса, ўзим... биламан— ҳақсизлик, адолатсизлик жонимдан тўйдирди.

Текширишни хатда келтирилган қонунбузарликларни аниқлашдан бошладик. Ленин районидаги турар жойлардан фойдаланиш 1-бошқармасида Полторацкий кўчасидаги 4-уйнинг 42-квартирасига ростдан ҳам беш киши рўйхат қилинган: она, ўғил, келин ва икки набира. Ордер Ҳамза райижроқўмидан 1989 йил 3 июлда берилган. Турар жой қонуничилигида ҳар бир оила аъзоси ҳисобига 10 квадрат метрдан ортиқ саҳи ажратиш тақиқланган. Қонунда она қорнидаги бола ҳам турар жойга ҳуқуқли, фақат у ҳомила 20 ҳафталикдан эрта бўлмаса. М. Д. Матвиенко ҳомиладорлиги ҳақида справка тақдим этган эмиш. Него «эмиш!». Чунки ижроқўмнинг уй-жой тақсимоти бўлимида мухбирга ўша справкани кўрсатишолмадн ва... справка йўқолгани тўғрисида справка ёзиб беришди.

Ҳўп, йўқолгандир ҳам дейлик. Лекин у— туғилажак бола йўқолмагандир. Буни билиш учун Матвиенколар яшаб турган Ғиждувон кўчасидаги 140-уйга бордик. Кампир учинчи неварасининг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасини кўрсатиш уёқда турсин, гаплашишни ҳам хоҳламади. Кампир кампир-да десак, унинг ўғли Борис Викторович онасидан ҳам баланд келди. Уни 15 январь куни иш пайтида кабинетида нарда ўйнаб ўтирганда учратдим. «Метрикаларни опкелдингми?» деганича ўйинда давом этди. У мени мижоз билан чалкаштирган экан, муҳбирлигимни, мен ундан метрика сўрамоқчи эканимни эшитиб пешонаси тиришди. «Мен Тошкентнинг ярмини танийман, уларга кўрсатиб қўйиш қўлимдан келади, район прокурори кўчириш муддатини орқага сургани учун республикага шикоят қилганман, ўшанга жавоб олганимдан кейнингина гаплашаман».

Гап тамом, учинчи фарзанд тўғрисида справка ҳам, метрика ҳам йўқ. Матвиенконинг қўшнилари ҳам унинг болалари иккиталигини эътироф этишди.

Прокурор Тўраевларни кўчириш муддатини мухбирнинг таклифи билан икки ҳафтага — мақола чиққунгача сурди. Ва прокурор, на суд томонидан ноқонуний ҳеч қандай ҳаракат йўқ. Айни пайтда Тўраевлар Матвиенконинг квартирасига ўзбошимчалик билан кириб олишлари ҳам қонунга хилоф. Бироқ... шаҳар ижроқўмининг масъул ходими, Ҳамза райижроқўми — буларнинг ноқонуний ҳаракатларини кўриб турган Тўраева қонун қонунбузарларга хизмат қилаётганидан ғазаблангани, хўрлиги келгани ҳам рост.

Прокурорнинг эътирофича, Матвиенколар ҳозир Тўраевлар яшаб турган квартирага эга бўла оладими-йўқми, Тўраевлар бу хонадонда яшайверишлари мумкинмийўқми — буни шу ҳудуднинг ҳокими — Ленин район ижроқўми ҳал қилади.

Муштарийлар ижроқўм қарорини кутишади.

Р. ШОЖАЛИЛ.

ТАҲРИРИЯТДАН: Биз эса Тошкент шаҳар ижроқўми раҳбаридан масъул ходим Матвиенконинг шахсий манфаат йўлидаги ноқонуний ҳатти-ҳаракатларига берилажак жиддий баҳони кутамиз.

УЛОҚ

ёки уни тақсимлашдаги ажиб ҳангомалар

Ҳар бир инсоннинг ўзига хос хислатлари, камчиликлари бўлади. Айбсиз — Парвардигор. дейдилар. Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори М. Кутуевнинг нозик жиҳатн шуки. у қўй оғзидан чўп олмайдиган. яъни итоатгўй ходимларни ўзидан ҳам хуш кўради. Марҳаматини қўл остидагиларга қай йўсинда изҳор қилнш йўлини тополмай. кўпдан буён тажанг ҳолатда юрарди. Унинг толеига бундай имконият туғилди. Утган йил ёзининг ўрталарида бирлашма чет элга сотилган маҳсулот эвазига тушган валютага Тольятти шаҳридаги БАЗ корхонасидан фонддан ташқари енгил автомашиналар сотиб олмоқчи бўлди. Бош директорнинг махсус ваколатномасини олиб. зудлик билан сафарга отланган ишлаб чиқариш кенгашининг раиси А. Карелин 50 та «Жигули»га шартнома тузиб қайтди. Эшелон йўлга чиқмасданоқ ҳамтовоқлар машиналарни пинҳона тақсимлаш режасини тузишга киришдилар. М. Кутуев: «Идора ходимларига 11 тасини ажратиб, қолганини нима қилсаларинг қилаверинглар», — деди ҳотамтойлик билан. Раҳбарнинг амри — вожиб! Шошилинч равишда 39 та машина учун рўйхат тузилди-ю, цех касаба уюшмалари қўмиталарига муносиб кишиларни танлаб, тақдим этиш топширилди.

Шундан кейин корхона ва унинг цехларида тарафкашлик ҳамда жанжал кучайгандан кучайди. Гоҳида очиқ, гоҳида ёпиқ овоз бериш йўли орқали номзодлар кўрсатилди. Аммо орзиқиб кутилган «Жигули»лар кимга текани ойдинлашгач, бу навбатдаги «демократия ўйини» эканлиги аён бўлди. Масалан, ТАЦ жамоаси тўртта машина учун шунча номзодга қарор чиқариб берганди. Уларнинг учтаси раҳбариятга маъқул келмади. Карбамид цехи олдига эса бош директорнинг ўзи бундай шарт қўйди: тўрта «Жигули»нинг бирини бош инженер Ўринбосари Я. Д. Герценга берсаларинг бердиларинг, бўлмаса ҳеч қайсисидан умид қилманглар!

Бу пўписа аланга олай деб турган оловга мой сепгандай бўлди. Дастлаб мазкур цех аҳли оёққа турди. Сўнгра маъмурият, шаҳар партия, совет маҳкамалари номига техника назорати бўлими, ТАЦ корхонаси, темир йўл цехи ходимлари томонидан шикоятлар ёғилди. Уларда тақсимот рўйхатини ошкора эълон қилиш, уни қайтадан адолатли тарзда тузиш, бирлашма ишлаб топган валюта сарфи тўғрисида раҳбарият ҳисоботини эшитиш, корхонада бригада пудратини тўлиқ жорий этиш каби талаблар қўйилганди. Ҳатто мазкур сўров уч кун ичида қондирилмаса, ишчилар иш ташлашлари мумкинлиги баён этилганди.

Воқеанинг жиддий тус олишига йўл қўймаслик мақсадида касаба уюшмаси, халқ назорати, корхона ва шаҳар партия қўмиталари вакилларидан иборат махсус комиссия тузилди. Унинг аъзолари текширув давомида М. Кутуевнинг ходимларга муҳаббати холис эмаслигини исботладилар. Хусусан, «директор фонди»даги 11 та машинадан ташқари «Прогресс» совхози (ҳозир корхона ёрдамчи хўжалиги) директори А. Ҳалимов. Қиргули шаҳарчасидаги тиббиёт-санитария қисми бошлиғи Г. Киреева ва бирлашма бош бухгалтери Н. Бирюковнинг ҳар бирига «Жигули» инъом қилинганди. «Прогресс» давлат хўжалиги бирлашма ихтиёрига ўтганига эндигина ярим йил бўлгани, устига устак Ҳалимовнинг тагида «ГАЗ-69» маркали хизмат машинаси борлиги, Г.Киреева касаба уюшмаси аъзоси ва врач сифатида бутунлай бошқа жойда ҳисобда туришн ҳамда маош олиши юзасидан билдирилган эътирозларни М. Кутуев бир сўзи ва ёзма ҳисобот билан кесиб қўйди: «Мен шундай қилиниши зарур деб ҳисобладим».

Бош бухгалтер эса бундан икки йил аввал бирлашма ҳисобидан «ВАЗ-2105» маркали машина олган, вилоят кенгаши ижроия қўмитаси белгилаган қоидага кўра яна уч йилдан кейнгина навбатда турнши мумкин эди. Бироқ Н. Бирюков бу ҳақда бринчи марта эшитаётганини айтди. «Билдим дедим — тутилдим, билмадим дедим — қутулдим» деганлари шу бўлса керак-да.

Бош директор турли йиғинларда ишда коллегиалчилик, демократия, ошкоралик бўлиши, жамоат ташкилотлари ҳуқуқи ва бурчларини кенгайтирнш тўғрисида ботбот гапиради. Аммо негадир иши билан сўзи бир-бирига мос тушмаётир. Бу ҳол нафақат «Жигули»лар, балки бирлашма хизмат вазифаларига аталган «ГАЗ-24» автомашиналари тақсимотида ҳам намоён бўлди. Ўшанда шошилинч равишда ишлаб чиқариш кенгаши мажлиси чақирилди-ю, барчаси касаба уюшмаси қўмитасининг розилигисиз, қўйиндан тўқилса — қўнжига қабилида ўзбошимчалик билан бўлиб ташланди. «Волга»нинг биттаси бош директорнинг ўзига, иккинчиси бош инженерга берилди. Учинчиси меҳнат кенгаши раиси А. Карелинга сотилди. Ҳисобдан чиқарилган. аммо кечагина чопиб юрган 2 та «ГАЗ-24» эса бош директорнинг ҳайдовчиси ва бош инженер А. Йўлдошевга ҳадя этилди.

Яна «Жигули»лар машмашасига қайтайлик. Тўрт оёқли дул-дул насиб этганлар рўйхатини ҳатто кўзойнак орқали кўздан кечириб, ҳақиқий заҳматкашлар номини учратолмайсиз. Тўғри, муҳандис-техник ходимларнинг ҳар 19 тасидан, оддий ишчиларнинг 385 нафаридан биттасига машина текканини эътироф этиш керак. Бундай номутаносиблик жамоада ҳақли равишда турли миш-мишларнинг кўпайишига, меҳнаткашлар норозилигига сабаб бўлмоқда. Бошқача айтганда, яхши ният билан бошланган иш ўринсиз ташвишларни келтириб чиқараяпти.

Биз корхона маъмуриятига ишлаб топилган валютани қай тарзда сарфлашни ўргатиш ниятидан йироқмиз. Бироқ эътирозларимиз ҳам йўқ эмас. Маълумки, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси атроф муҳити ифлосланишига катта ҳисса қўшмоқда. Уннинг баҳайбат мўриларидан ҳавога йилига 10,1 минг тонна заҳарли модда чиқарилаяпти. 8 миллион куб метр ишлатилган сув эса Жанубий Фарғона каналига оқизилмоқда. Ана шу оқова таркибида ермой маҳсулотлари 80 марта, аммонийли азот 8, нитрат 20 марта ортган. Бу ҳол аммиак, кучсиз азот кислотаси, селитра ишлаб чиқаришда ҳамон эскирган ускуналардан фойдаланиб келинаётганининг оқибатидир. СССР Вазирлар Кенгашининг 1985 йил 25 майдаги қарорига биноан 1988 йилдан бошлаб мазкур корхона ўрнида янги қувватларни ишга тушириш белгиланганди. Бироқ топшириқ барбод қилинди. Балки валюта эвазига хорижий мамлакатлардан атроф муҳити ифлосланишининг олдини оладиган асбоб-ускуналар сотиб олиш, эскирган дастгоҳлар, қурилмаларни янгилаш чораларини кўриш маъқулроқ бўларминди?

— Валютадан қандай фойдаланиш хусусида жамоа фикрини сўраш у ёқда турсин, ҳатто сотиб олинган машиналар тақсимотида меҳнаткашлар ниятрокини сезмадик, — деди ТАЦ бошлиғи Г. Н. Цибин. — Визга раҳбариятнинг хоҳишини етказишди. холос. Менга қолса, валютага енгил машиналар харид қилишга шошилмаган бўлардим. Корхонамиз теварак-атрофида ахлату чиқинди уюми тоғ бўлиб ётибди. Сабаби уни ташийдиган машиналар йўқ. Айниқса электрюклагичлар етишмаслиги ишнинг белига тепаяпти. Болгариядан келтирилган бу нозик аппаратлар тез-тез бузилиб туради. Бусиз на хом ашёни, на тайёр маҳсулотни қўзғатиш мушкул. Уларни алмаштириш пайти келди. Ёки уксус аралашмаси цехини олайлик. Унинг ишга тушганига 10 йилдан ошди. Оддий эҳтиёт қисмлар мамлакатимизда чиқарилмайди. Жамоа меҳнати эвазига жамғарилган валюта ана шу муаммоларни ҳал этишга сарфланса, нур устига аъло нур бўларди.

Маъмуриятнинг жамоатчилик фикри билан ҳисоблашмагани, ўзбошимчалиги, ишчиларга нисбатан оддий иш қуроли сифатида муносабатда бўлгани ҳунук оқибатларни келтириб чиқариши мумкин эди. Ҳайриятки, меҳнат аҳли, касаба уюшмалари бу сафар ҳам босиқлик, вазминлик кўрсатдилар, умумий иш тақдирига масъулият ва интизом билан ёндашдилар. Иш ташлаш рўй бермади. Корхона бир маромда ишлаяпти.

Бирлашма касаба уюшмаси ва халқ назорати қўмиталари ҳамкорликда ўтказган холису ҳалол текширув, унинг асосида қабул қилинган қарор ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этди. Хусусан ўша ҳужжатда А. Ҳалимов, Н. Бирюков, Г. Киреева ва А. Карелинга ажратилган машиналарни жамоа ўртасида қайта тақсимлашни бош директор М. Кутуевдан талаб қилиш, меҳнат жамоаси кенгаши раиси А. Карелин хизмат вазифасини суистеъмол қилгани ҳақидаги далилларни аниқлаш, меҳнатни уюштириш ва рағбатлантиришнинг илғор усулларини жорий этиш, эҳтиёт қисмлар тақчиллигига барҳам бериш, ишлаб топилган валютани сарфлашнинг аниқ қоидаларини ишлаб чиқиш, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат, дам олиш шароитларини яхшилаш, уларни махсус кийим-бош билан таъминлаш юзасидан амалий таклифлар билдирилган. Буларнинг ҳаммаси қанчалик аниқ ва пухта бажарилиши жамоадаги аҳволни барқарорлаштиришга, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшиларга таъсир ўтказади. Бу эса бош директор М. Кутуев ва унинг қўл остидагилар ўз иш услубларини қай даражада ўзгартиришларига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Акрам СОДИҚ ўғли,

«Народное слово» мухбири.

Ҳар йўриқдан бир шингил

ЛЕНИНГРАД. Шаҳардаги «Светлана» бирлашмасида СССР Фанлар академияси силикатлар кимёси институти технологияси асосида интеграл микросхемалар шакллантира бошланди. Янги усулнинг муҳим афзалликлари — технология операциялари миқдорини қисқартириб, мавжуд ускуналардан фойдаланишдан иборат.

АРХАНГЕЛЬСК. Соломбальск машинасозлик заводининг конструкторлари Финляндиянинг «Валмет» фирмаси билан биргаликда ўрмонларда ишлайдиган янги моделдаги тракторни яратдилар. Олти ғилдиракли машина ўрмаловчи трактордан фарқ қилиб, тупроққа камроқ босим билан ишлов беради ва тупроқ қатламларига путур етказмайди.

БЕЛГОРОД. Вилоятда чиқадиган «Белгородская правда» газетаси КПСС Марказий Комитетининг собиқ котиби, Марказий Комитет Сиёсий Бюросининг аъзоси Е. К. Лигачев хотиралари ва фикр-мулоҳазалари қўлёзмасидан парчалар эълон қила бошлади. Муаллиф ушбу нашр қалам ҳақини Прохоровка остонасида бўлиб ўтган машҳур танклар жанги музейи қурилиши фондига ўтказади.

ДУШАНБЕ. Тожикистон маданият фонди Қуръонни рус тилида нашр қилди. Мусулмонларнинг муқаддас китобини нашрга тайёрлашда машҳур совет шарқшуноси И. Ю. Крачковскийнинг таржимасидан фойдаланилди. Китоб 200 минг нусхада чиқарилди. Узоқ йиллар мобайнида диний адабиётлар республикада амалда тақиқланган эди. Энди бу камчиликнинг ўрнини тўлдиришга қарор қилинди. Тез орада Тожикистон маданият фондининг ҳомийлигида «Ўрта Осиё мадрасалари» китоби нашрдан чиқади. Бошқа диний-маърифий адабиётлар ҳам нашрга тайёрлаимоқда.

ФРУНЗЕ. Қадамжойдаги сурма комбинати кончилари ҳозирги қиш кунларида кўзиқорин териш маъсумини бошладилар. Улар қўлларига саватчалар олиб, кўзиқорин плантацияси ташкил этилган эски конга йўл олишмоқда. Кондаги плантация 120 метр чуқурликда жойлашган, кўзиқоринлар эса бу ерда оёқ остида эмас, шипда осилиб ўсади. Кўзиқорин экилган тупроқли қоплар ер ости йўлкасининг шипига илиб қўйилган. Доимий бир хил ҳарорат ва намлик, усталик билан танланган ёруғлик даражаси ҳосилнинг тез етилишига ёрдам бермоқда. Кўзиқорин мавсуми қиши билан давом этади. Бу ерда ҳар куни юз килограммдан кўзиқорин терилади. Шахта кўзиқорни билан умумий овқатланиш корхоналарингина эмас, шу билан бирга посёлкадаги барча хоҳловчиларни ҳам таъминламоқда.

АШХОБОД. Туркманистондаги иссиқхона комбинатларининг ходимлари ўзлари етиштирган меваларни йиғиб олишлари биланоқ тўғридан-тўғри савдо дўконларига жўнатишяпти. Республикадаги энг катта иссиқхоналардан бири Тошҳовуз вилоятидаги Крупская номли давлат хўжалигида жойлашган. Болалар боғчаларига, касалхоналарга, ошхоналарга бу ердан ҳозирнинг ўзидаёқ ўнлаб тонна помидор ва бодринг юборилди. Айни пайтда хўжалик меҳнаткашлари янги ҳосил учун ҳам замин яратишмоқда. Янги узилган маҳсулот ихтисослаштирилган хўжаликларнинг фирма дўконларига ҳам жўнатилмоқда. Бу мавсумда қишки томорқалардан икки минг тоннадан кўпроқ сабзавот йиғиштириб олиш мўлжалланган.

ТАСС мухбирларининг хабарларидан.



Ўзбекнинг хонадонини сандиқсиз тасаввур қилиш қийин. У айниқса қишлоқларда уйнинг асосий жиҳози ҳисобланади. Сирдарё вилоятидаги Дилбархон Исломова бошлиқ «Дурадгор» кооперативи усталари аҳолининг ана шу анжомга бўлган талабини қондириш йўлида астойдил ғайрат кўрсатмоқдалар. Бу ерда тайёрланаётган бешиклар ҳам мижозларга манзур бўлаётир.

СУРАТЛАРДА: Дилбархон Исломова ва унинг шогирди Қобилжон Турсунматов. Усталар қўлида сайқал топган бешик ва сандиқлар.

Муҳаммад КАРИМ олган суратлар

ВАТАН ДЕЯ ВАТАНСИЗ ЎТДИК

Мюнхенлик ўзбек Темирхўжа билан учрашув таассуротлари

Ойнаи жаҳон хорижлик юртдошимиз Темирхўжа Усмонхўжа ўғлини элимизга тез танитди. У бундай ниятга жумҳуриятимиздан Олмонияга қайтмай туриб эришди. Табриклагани шошилганларга «Кўрдим, кўрдим, оллоҳга шукурлар бўлсин, кўрдим...» деб миннатдорчилик билдирар, чамаси, у бундай тасодифга ишонмаган эди.

Ишонб бўладими? Кимсан — «Озодлик» радиостанциясининг муҳаррири, Бухоро инқилоби боис ватандан Афғонистонга, сўнгра Истамбулу Покистоига ўтган ва бир умр Туркистонин соғиниб, унинг истиқболини кўриш насиб этмаган муҳожирнинг ўғли.

Шаҳардами, қишлоқдами — қаерда, ким билан учрашмай, ҳаммаининг оғзида Темирхўжа номи. Унинг ишонмаганига-ку асос бордай, аммо... «Темирхўжа билан учрашдим, кўчаларда, тўйларда бирга бўлдим» — у билан учрашиш насиб этмаган дўстларга қувончимни шу тахлит етказдим. Бириси ҳазилмичинми:

— Етади, бас! — деб иккала кўлини боши узра кўтарди. — Иссиқроқ уст-бошинг бормиди, ишқилиб, унча-мунча жойга эмас, нақ Сибнрга кетасан! — деди.

Ҳа, нақ Сибнрга! Дўстим тўғри айтган эди. Шу кунгача Туркистон тупроғидан олис ва даҳшатли Сибирга кетганлар оз эмас... Начора, шу кунгача замон бизга боқмади, биз ҳам замонга боқмаймиз. Танда битта жон бўлса, у аллақачон қўрқоқ вужудимизнинг гадой топмас жойларига биқинган, бозорхалтамизда сотмаган молимиз қолмади. Во дариғ!

Узоқда Ватанинг бўлса, йиғлайсан, дейди шоир. Эр киши ҳам йиғларкан... Тирикликни, ялдизни ҳис қилган мўмининнг йиғиси бўлсин экан, бусиз тириклик ҳаром, кўзлар сўқир, кўкракда асраб юрганимиз бир парча тош.

«Эркак кишига бахт ярашмайди..»— бу Кавказда отилган бобом Бўронбекнинг сўзлари. Онам 82 ёшга кирибдиларки, ҳамон эслайдилар. Бобомнинг сўзлари ўгит бўлиб қулоғимга кирибди-ю, лекин ушбу ҳикматни узоқ вақт тушунмабман. Нега шундай? Буёғи узун тарих, инқилоб, ғалаба, шовқин-сурон, бахт... Ана шу халқнинг ўртасида Мен: «бахтли», «давронли» кунлардан ортиб, ёлғон-яшиққа тўлган қўйнимга ишониб сўқмоқни йўл деб кетаверибман, атрофимга қарамабман.

— Нега шундай?

Темирхўжага ҳавас қилганлар кўп бўлди. Бирса унинг самимий чеҳрасию, муомаласига, тилига ҳавас қилса, яна кимдир мухбирлар учун зарур овоз ёзгичу киноаппаратига. Хуллас, «Озодлик» радиоси ўзбек шўъбасининг муҳаррири бўлмиш Темирхўжа четдан қараганда ҳавас қилгулик инсон эди. Ҳавасга арзирди у... 1990 йил 29 октябрь, Тошкент. Ёзувчилар уюшмаси биносининг иккинчи қавати. Юзлаб ватандошлари у билан кўришишга ошиқдилар. Сўнг тўйда, кўчада, уйда учрашувлар...

Таассуротларимни биринчи бўлиб рўзномага ёзаман деган ниятим синди. Темирхўжа билан суҳбатлашиш осон эмас эди. Уни тушуниш учун «ватангадо», «жосус» деб ҳақоратлаб, қойиллатиб ёзган туҳматимиз қалам ҳақиси эвазига фарзандларимиз еган луқмани қайтиб олишмиз, ўзни ва ўзликни тушунмай тўтидек сайраган тилимизни кесиб, ҲАҚдан гуноҳимизни сўрашимиз керак. Ҳа, гуноҳкор бандалар, тўғриси, гуноҳкор ҳамюртларимиз. Астойдил сиғинсак, топинсак ҲАҚ гуноҳимиздан кечар, ҲАҚнинг кечгани Темирхўжа Усмонхўжа, Боймирза Ҳайитнинг кечганидир. Улар кек сақламайдилар.

«Мюнхендаги мозорларнинг бир бурчида мусулмонларга аталган ой белгили жой бор. Насиб этиб борсангиз, юртдошлар қабрини ўша жойлардан изланг...»

— Юртдошлар қабрини дейсизми, муҳтарам Темирхўжа? Биз бўлаклларга бўлинган Туркистондаги қабрларни топтадик-ку, мозорларимиз устига чим босдик, одам кирмасин деб, қўрнқчилар қўйдик...

«Тарихни, озодликка интилган руҳни кўриқлашга бандаси ожиз. Ишонинг...»

— Хабарингиз бўлса, ўзбек тилига давлат тили мақомини бердик. Биз ҳозир зўриқиб ўзбек тилини ўрганяпмиз. Сиздек хорижда туғилган, она тилида сабоқ тингламаган киши...

«Англадим сизни. Рост, мен 1947 йил Истамбулда туғилганман. Ушанда отам Усмонхўжа 70 ёшда эканлар. Ул зот тўрт-беш ёшимдан бошлаб Чўлпон, Машрабнинг шеърларини ёдлашга ундаганлар... Онамнинг чиройли аллаларини ҳали ҳам унутмаганман.»

— Сиз илк мактаб таълимини қаерда бошлагансиз, осон кечмагандир, ҳар ҳолда ўзга юрт...

«Отам мени турк мактабига бошлаб борганлари ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ушанда муаллим қўлимдан ушлаб синфга олиб кирди, турк болаларига таништириб: «Темирхўжа ота-боболаримизнинг юртидан келган асл турк. Сизлар бу (бола) жужуқни ҳеч қачон камситишларинг мумкин эмас. Ҳавас қилинглар Темирхўжага, қариндошимизни шарафлайлик!» деган... Сўнг Покистоига кетдик, учинчи синфни инглиз мактабида тугатдим...»

— Мени отангиз Усмонхўжа Ғўлатхўжа ўғлининг тақдири кўпроқ қизиқтиради. Боиси, мен шу кунгача тўқиб-бичилган тарихимизга ишондим. Бундан ўзгача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Биз тенги авлод жуда чиройли, маданий алдандик. «Бобонг босмачи» деса, ишондик, «Отанг босмачи» деса, ишондик, энди гал ўзимизга етди... Отангиз 1922 йилда Бухородан Афғонистонга ўтиб кетди. Бу кетишни биз «инглиз жосусининг» кетиши деб халққа етказдик, тушунтирдик. Бу ҳам етмагандек, бадиий асарлар ёздик...

«Асло ундай эмас. Сизга яна бир «ёлғон»ни маълум қилай. Сўнгра саволингизга бафуржа жавоб изларимиз.

1920 йилда Мустафо Камол Отатурк Московдан молиявий ёрдам сўрайди. Рад жавобини олгач, отам— Усмонхўжа ва амаким — Файзуллахўжа билан битим тузади. Туркияга Бухоронинг юз миллион нақд тилласини беришга аҳдлашадилар. Шунда юборилган тилланинг ўн фоизигина Туркияга, қолгаи 90 фоизи Москов ихтиёрига ўтади. Ушбу далил тарих китобларида «Совет ёрдами» деб қайд қилинган.

Тарих мажмуаларингизда буюк ёлғонлар яшаётган экан, отам Усмонхўжа ҳақидаги «таништирувлар»га (ахир, уни таништиришга ҳожат йўқ) сира ҳам ажабланмайман. Отам Бухороии ташлаб, қаёққа ҳам борарди? У ўтиб кетмаган, асло, ҳақиқатни билмоқчи бўлсангиз, марҳамат: Афғонистонга расмий ҳаваст асосида битим тузиш ниятида борган. Бухоро вассал давлат, аммо мустамлака эмас эди. Фрунзенинг босқинидан сўнг (Сизлар «Бухоро инқилоби» дейсизларми) янги ҳукумат тузилди. Маълумки, отам Усмонхўжа янги ҳукуматнинг раҳбарларидан бири эди. Бухоро ўз миллий армиясисиз, миллий ҳукуматисиз чин маънодаги мустақил жумҳурият бўлолмас эди. Отам жумҳурият бўлишининг биринчи шарти деб ана шуларни тушунган ва бу ниятидан ҳеч қачон қайтмаган. Дарвоқе, ул зот аксарият сафлари руслардан иборат Қизил Армияниг Бухорода туришига қарши эди.

Хуллас, отам 1922 йили Афғонистонга инглизлардан Бухоро жумҳурияти миллий қўшини учун қурол сотиб олиш ниятида боради. Аммо нияти амалга ошмайди.

Мурод ҳосил бўлмаган бир дамда отам амаким Файзуллахўжадан «Бухорода аҳвол ёмон, келманг, хонликда айбланасиз» мазмунида хат олади... Кўриб турибсизки, отамнинг шу кундан бошлаб сўнгги ҳаёти Ватан деб Ватансиз кечди...»

— Муҳтарам Темирхўжа, Сиз ёлғизсиз, аммо менингдек савол сўровчилар, шукрки кўпчилик. Саволлар, шунингдек жавоблар ҳам ўхшаш бўлиши табиий. Билишимча, отангизнинг ёлғиз меросхўри Сизсиз?

«Меросми?.. (Темирхўжа кўзларимга узоқ тикилиб қолди). Ўзга юртларда еб-ичиш, кийиниш ва илм олишдан камчилигим бўлмаса-да, отамдан эшитганим Туркистон деган юртга боришни қирқ уч йил кутдим. Шу тупроққа меҳр қўйдим, ҳамиша ёдимда, юрагимнинг тубида олиб юрдим. Отамнинг туйғулари, азоблари менга кўчди. Вафотларидан бир кун олдин ёнларига чақириб «Мен сенга банкда пул, шоҳона қасрлар, ҳосилдор ерлар қолдираётганим йўқ, сени суяйдиган ака-ука ҳам қолдиролмадим, фақат ҳамиша ёдингда тутишинг учун Ватан ҳасратини қолдирдим», деган эдилар.

Отамнинг васиятларини эшитган онимдан бошлаб мени қайта ватанлик бўлдим. Ватан менинг ичимда...»

Тўғриси, шундан сўнг меи саволжавобга ярамадим. Елкасида Ватандек оғир юкни кўтариб юрган Темирхўжа билан суҳбатлашиш оғир, жуда оғир эди.

Темирхўжа ота юртини кўрмаслиги ҳам мумкин эди. Аммо...

Оллоҳга шукрлар бўлсинким, инсоф ва диёнатнинг уруғи сиғинган одамга топилар экан. Соғинишга арзигулик Ватанинг бўлса, яна бу эл, бу тупроқ Туркистон деб аталса...

Наҳотки Темирхўжа ота Ватанида сукут сақлади? Йўқ. Унинг ҳам савол-сўрови, Оллоҳга шукронаси, миннатдорчилиги бор экан. Узбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов билан кечган мусоҳабадан бир шингил:

ТЕМИРХЎЖА: — Одил ака, узоқ юртларда яшаб, қирқ уч йилни чет элларда ўтказиб, киндик қони чет элларда тўкилиб, Ватанни соғиниб, охирида Ота юртимга келиш менга муяссар бўлди. Бироқ буни ҳамма нарсадан олдин айтишим керакки, юртимни кўришга Сиз сабабчисиз. Биринчидан, таважжуф кўрсатиб, менга даъватнома юбордингиз, бошим кўкка етди. Чунки мен севган, қадрлаган улуғ бир ёзувчининг мендек оддий бир кишига даъватнома юборгани катта бир ифтихор василаси. Шу сабабдан Сиздан миннатдорман.

ОДИЛ ЁҚУБОВ: — Хорижлик ватандошларга даъват этиш, уларни юртга чорлаш бизнинг бурчимиз, қарзимиз-ку, ахир...

ТЕМИРХЎЖА: — Тасанно, Одил ака! Андижон, Тошкент, Самарқандда бўлдим, ота юртим Бухорода халқимизнинг ажойиб ўғлонлари, истеъдодли кишилар билан учрашдим. Энди эса Сизнинг хонадонингизга келиб супрангизда ўлтирибман. Аслида Сиз эмас, мен Сизни кўпроқ танийман, романларингиз — «Диёнат», «Улуғбек хазинаси»ни дуодек ўқийман. Ҳозир «Улуғбек хазинаси»ни турк тилига ўгираяпман, аммо буни фақат оддий бир таржима эмас, Сизнинг ўша айтган сўзларингиздаги чуқур маънони туркчада ифодалашга ҳаракат этаяпман. Аммо шундай бир нарса чиқишини истаяпманки, Одил Ёқубов бу асарни туркча ёзган, деснлар. Энди ижозат берсангиз, Сизга бир-икки савол берсам.

ОДИЛ ЁҚУБОВ: — Марҳамат.

ТЕМИРХЎЖА: — Чет элларда яшаб турган — Австралиядан тортиб Покистон, Туркия, Арабистон, Оврупо мамлакатлари ва Америка Қўшма Штатларида яшаётган туркистонликларга нима дейсиз?

ОДИЛ ЁҚУБОВ: — ...Биз ўзбек халқи бошга тушган кўп ташвишлар туфайли — ўша Октябрь инқилоби деб аталган, лекин бугун бунинг нотўғри инқилоб бўлганини бутун рус зиёлилари тан олаётган ва ҳатто рус коммунистлари, Коммунистик партиясининг бир қисми тан олаётган, кўп одамнинг бошига мусибат солган бу инқилоб туфайли ватандошларимизнинг бошига ҳам мусибатлар, кўп қайғу-ҳасратлар тушиб, олис элларга тарқдай тарқалиб кетганларидан, албатта, биз. ҳам хурсанд эмасмиз. Ватандош, қондош жигарларимиз, бовурларимизнинг кулфати бизга ёт эмас. Бунинг учун қаттиқ қайғурамиз. Айни замонда Маркс айтган ҳақиқатми ёки Марксдан олдин ҳам айтилганми, диалектика, деган қонун бор. Диалектика бўйича ҳар бир ишнинг ҳаётда ҳам ёмон, ҳам яхши томони бўлади. Шу маънода ватандошларимиз, гарчанд ўз Ватанларидан айрилиб, бошларига ҳадсиз мусибатлар тушган бўлса ҳам бизнинг билишимизча (ҳозир) улар Америка, Олмония, Австралия, Франция, Ҳиндистонда бўлсин, Туркияда бўлсин, хуллас, шу жойларга бориб ўзларининг иқтидорлари, салоҳиятлари туфайли, уддабуронликлари, ишбилармонликлари туфайли хору зор бўлиб кетмаганликларидан хурсандмиз. Ўзлари ўзбек бўла туриб, дарҳол инглиз, француз, немис тилини ўрганиб, керак бўлса, япон тилини ўрганиб, ўзга халқларнинг ичига кириб, ҳурматлаб, ёмонликни раво кўрмай, обрў-эътибор топиб юрган минглаб ватандошларимиз ҳақида эшитамиз ва ифтихор қиламиз. Бизнинг жамиятдан тамоман бошқа ижтимоий тузумга эга жамиятда ўз ўринларини топиш учун улар ақлли одамлар бўлишлари керак эди. Мен ўйлайманки, ҳозиргача рўй берган англашилмовчиликлар, Туркистондан кетганларнинг ҳаммасини «улар ватанини сотган» деган тушунчаларга энди барҳам берилаяпти. Ҳукуматимиз ҳам, Президент М. С. Горбачев ҳам бунинг хато эканини қайта-қайта айтяяптилар.

ТЕМИРХЎЖА: — Бундай улуғ ниятлардан ҳеч бир ватандош бенасиб қолмасин. Раҳмат Сизга! Айтганингиздек, Бобурдан бошлаб чет элга турли сабаблар билан чиқиб кетган ватандошларимиз Бобурдек султон бўлмадилар, катта давлат қурмадилар, лекин гадо бўлган битта ўзбекни, қозоқни топмайсиз. Муҳожирликнинг етмиш йиллик тарихига қарасак, иккита қотиллик воқеаси содир бўлган. Иккиси ҳам фақат номус масаласида. Бундан ташқари биронбир ватандошимиз ўғирлик, порахўрлик ёки бирон-бир кишининг жон-рўзига тегиб қилган гуноҳи учун ҳибсда ётгани йўқ.

Ҳамшаҳарларимиз Австралия, Саудия Арабистони, Туркия, Америкада бўлсин, ишчи коржомасида ишлаганлар, ер супурганлар, дўкон очганлар, бироқ улар ўзларининг катта, улуғ бир миллатнинг фарзанди бўлганликларини ҳар ишда исбот қилганлар. Ишчи бўлиб ўрнашган — тез орада мудирликка кўтарилган. Кичик дўкон эгаси йил ўтмай фабрикали бўлган. Мисол учун Америкада Нарзиқул деган ҳамшаҳримиз бор эди, икки йил аввал вафот этди. У киши Америкаининг катта ҳарбий учқичлари (самолёт)га ускуналар ясайдиган учта азим завод эгаси эдилар. Бу бизлар учун улкан ифтихор масаласи, чунки у киши Америкаининг азим бойларидан ҳисобланади. Яна хорижга чиқиб қолган Бухоро шайхлари авлодидан икки киши бугун Америкаининг миллиардери. Уларнинг «Атлантик» номли пластинка ширкати бор, машҳур қўшиқчиларнинг ашулаларини миллионлаб нусхада ёзиб чиқарадилар. Бундан ташқари Арабистон ва Туркия, Оврупо мамлакатлари дорилфунунларида олимларимиз нуфузли мавқега эгадирларки, улар ҳуқуқшунослик, ижтимоиёт, туркшунослик ва техника соҳасида улкан зафарларга эришганлар. Хорижлик, айниқса Туркия турклари — ўртаосиёлик оталаримиз, боболаримизнинг фарзандларига қаранг, улар бизга хизмат қилаяптилар, Туркистонга минг раҳмат, улуғ Бухорога минг раҳмат деб дуо демоқдалар. Биз бундан ҳамиша фахрланамиз...

Хаёлан яна Темирхўжа билан суҳбатлашаман.

«Ражаббой, — дейди у, — ўзбек адабиёти деган айри бир адабиёт бор, ҳеч бир вақт бу адабиёт ўлмайди, чунки бу адабиётнинг асоси ўрхун ёзуғига, қорахонли адабиётига таянади... Шу кунгача адабиётимиздан паноҳ топдим, суяндим. Отақўзини эслайсизми («Диёнат»да)? У отасининг мозорини зиёрат этганида, кўксига уриб, менинг масжидим, имоним — мана бу ерда, деб нола чекканида йиғлаганман, йиғлайман. Ёки Алн Қушчининг Самарқанд билан видолашаётганида айтган сўзлари... Ўзим Ватандан ажрамаган бўлсам ҳам менинг отам Усмонхўжа ажралган. Худди отам Ватандан ажралгандаги изтиробни Али Қушчида кўраман».

Темирхўжа иккимиз ўртамизда бўлиб ўтган суҳбат тафсилоти юқоридагича якун топди. Бироқ у билан кечган ҳар бир дақиқа Ватан каби азиз, унутилмасдир.

Ражаббой ОТА ТУРК,
«Халқ сўзи»нинг ўз мухбири.

Барот БОЙҚОБИЛОВ

НАВОИЙ ЙИЛИ

Субҳидам мужда келди: Навоий йили дебон.
Халқнинг кўнглини билиб, улуғ иш қилди девон[1].

Қутлуғ бўлсин, нек келсин Навоий йили, элим,
Кўкракка шамол тегиб, тоза кўринди осмон.

Юрт ҳавоси мусаффо, сувн тиниқ, ери соз,
Оллоҳга шукр қилгай бунда туғилган инсон.

Ундан бахтли одам йўқ — Навоий авлоди у,
Бобосин номин айтса, уни танийди жаҳон.

Ғурур тулпорин миниб етти иқлимни кезса,
Бошидаги дўпписин ҳавас қилгай ҳар бир жон.

Навоий назми билан тили чиқар фарзандин,
Бобосидан фахр этмас йўқдир бирор қиз, ўғлон.

«Қуръон»дек тавоф қилса арзир унинг «Хамса»син,
Чордевони кирмаган топилмас бир хонадон.

Ҳар шоир ўз юртида қадр топган азалдан,
Она улуси борки, унут бўлмас ҳеч қачон.

Буюк даҳо руҳини шод этмак асл мақсуд,
Навоийнинг йилида ҳар ўзбек навоийхон.

Бошимизда нур сочур шамсул миллат Навоий,
Табаррук сиймосидан рўшнодир Ўзбекистон.

Тўёна билан келдим — Ҳукуматдан илтимос:
Кошки, нашр этилса, Барот, «Сокин Ҳуросон».

1. Девон — давлат маҳкамаси

«ХАЛҚ СЎЗИ» БИЛДИРУВИ

Рўзномага обуна бўлиш йил бўйи давом этиши ёдингиздами? Уни ҳар ойнинг ўн учинчи кунигача расмийлаштириб улгурсангиз, навбатдаги ой бошидан уйингизга, иш ёки ўқиш жойингизга етказиб беришади. «Союзпечать» ходимлари, почтачилар хизматингизга ҳозиру нозир!

* * *

Корхоналар, ташкилотлар, идоралару муассасалар раҳбарлари, барча фуқаро эътиборига билдирамиз: ҳар қандай билдирув, эълон, чорлов, таклифномалар рўзнома саҳифаларида чиройли, бежирим, рисоласини келтириб берилади. Бу сиз учун қулай, фойдали.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

Энг яхши, ишончли даволаш услуби инсоннинг ўз жисми ва руҳидаги имкониятларни фаол ишга солишдан бошланади.

Агар ўзингиэнинг жисмоний, асаб билан боғлиқ хасталикларингиздан фориғ бўлмоқни истасангиз, 5—10 февраль кунлари «Юбилей» марказий спорт саройида психотерапевт-экстрасенс

НЕЪМАТЖОН МАМАТОВ

кўп сонли тошкентликлар илтимосига биноан ўтказадиган руҳий таъсир этиш асосидаги

ДАВОЛАШ СЕАНСЛАРИга

ташриф буюринг.

Кучли руҳий ҳамда биоқувватга эга бўлган бу экстрасенс қанча-қанча беморларнинг дардига шифо бахш этиб, эл орасида ишонч қозонган. Даволаш Анатолий Кашпировский, Жуна Давиташвили, Бутейко ва Касьян услублари асосида ўтказилади.

Сеанслар ҳар куни икки маҳал: соат 14.00 ва 18.00 да бошланади.

Кириш учун чипталар айни шу кунларда спорт саройининг чиптахоналарида соат 10.00 дан соат 20.00 гача (дам олиш кунларисиз) ва шунингдек, шаҳардаги жамоатчи чипта тарқатувчилар орқали сотилмоқда.

Ўзингизни қизиқтирган зарур маълумотлар учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин: 46-03-12, 46-71-91, 46-71-92.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раҳбарияти ва Олий Кенгаш котибиятининг жамоаси масъул ходим Н. Ф. Басовага онаси

Марфа Яковлевна ПЕРЕВЕРТАЙЛОнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МУХТОРОВ.

Таҳрир ҳайъати: Анвар ЖУРАБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Абдували ИМОМАЛИЕВ, Йўлдош ИСМОИЛОВ, Тургун НАЗАРОВ (масъул котиб), Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Азим СУЮН, Тоиба ТУЛАГАНОВА, Муҳтарама УЛУҒОВА, Сайди УМИРОВ, Норбобо ШАКАРОВ, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад ЮСУФ, Ориф ЮНУС.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

Индекс: 64608. 4740-буюртма.

Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12